

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ**

**1-КУРС ТАЛАБАЛАРИ УЧУН**

**Э С Л А Т М А**

**ТОШКЕНТ – 2010**

Қўлланмада Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ)нинг таркиби, бошқарув тизими, факультетлари, филиаллари, таҳсил олаётган ёшларнинг баркамол инсон бўлиб етишуви учун зарур бўлган юксак инсоний фазилатлар, талабаларнинг юриш-туриш қоидалари, саломлашиш одоби, кийиниш маданиятига доир маълумотлар берилган. Бу маълумотлар ёшларда **талабалик даврига кўникма ҳосил қилишга** яқиндан ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

**Тузувчилар:** *техника фанлари доктори, профессор Н.А.Мўминов*  
*социология фанлари номзоди Э.Г. Каримова*

**БИЗНИНГ ФАРЗАНДАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧАМ,  
БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАЛТЎПА БАХТЛИ БЎЛИШЛАРИ ШАРТ!**

**ИСЛОМ КАРИМОВ**

**СЎЗ БОШИ**

**Азиз ёш дўстлар!** Сиз ўз жисмоний ва маънавий куч-қувватингиз ёшларга хос жўшқинлик билан гуллаб яшнаган ажойиб бир даврга, катта ва қийин, лекин инсоният яратган барча билим чўққиларини эгаллаш сари етаклайдиган шарафли йўлга қадам қўйдингиз.

Сизнинг ҳаётингизда юз бераётган ушбу муҳим воқеа Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги байрам қилинаётган кунларга тўғри келмоқда. Бу тасодифий эмас: айти мана шу ёш мустақил давлатингиз сизга Ҳозирги замон тамаддунининг энг юқори ютуқларини эгаллаб олиш, ўз халқингиз маънавий бойликлари ва барча анъаналарини ўрганиб олиш имкониятини яратиб беради. **Сиз ана шу ғамхўрликнинг қадрига етишга ва Сизга билдирган ишончни оқлашга Ҳаракат қилинг.**

Ҳар қандай узоқ йўл биринчи қадамни қўйишдан бошланади. Ҳар қандай мевали дарахт ўз шох-бутоқларини қуёшга томон қанчалик баланд кўтариб юксалтирса, унинг илдизи ҳам ер остига шунчалик чуқур кириб боради.

Сизнинг илм-фан йўлидаги биринчи қадамингиз, ёшлик ўти чақнаб турган куч-ғайратингиз манбаи – бу ўз давлатингиз ўтмиши, Ҳозирги куни ва келажагидир.

Мустақиллик йиллари моҳиятан юртимиз тарихида шарафли ва ўта масъулиятли даврни ташкил этди. Ҳар биримизнинг ҳаётимизда, мамлакат тақдирида муҳим ва кескин ўзгаришлар юз берди. Турмуш тарзимиз ўзгариб бормоқда. Ўзлигимизни англаб, юртимизда ва шахсий ҳаётимизда содир бўлаётган янгиланиш жараёнларини ва ҳаққоний таҳлил этадиган бўлиб қолдик. Миллий ғоямиз бизнинг иймонимиз мезонига айланиб, қарамлик, боқимандалик кайфиятидан озод бўла бошладик. Келажак тақдиримиз ўз фаолиятимизга боғлиқ эканлигига ишонч хосил қилмоқдамиз.

Ёшлар - юрт қаноти, мамлакат таянчи. Навқирон авлодга эътибор келажакка қўйилган мустаҳкам пойдевордир. Шунини унутмаслигимиз керакки,

иродаси кучли, иймони мустаҳкам ёшлар ташқи таъсирларга осонликча берилмайдилар. Мустақиллик жуда катта масъулиятдир. Мустақилликни асраш уни қўлга киритишга нисбатан оғирроқ вазифадир. Бу эса биздан доимо мустақилликни асраб авайлаш, огоҳ бўлиш, илм эгаллаб жамиятга муносиб хисса қўшиб яшашни талаб этади.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, *“Ёшларимизнинг иймон-этиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, мен ўзбек фарзандиман, деб ғурур ва ифтихор билан яшашига эришиш керак”*<sup>1</sup>. Ушбу услубий қўлланма эса айнан мана шу мақсадларни кўзлаган ҳолда ёзилган.

**Илмга чанқоқ, тиришқоқ, қизиқувчан талабалар! Эртага ўзбекнинг, Ўзбекистоннинг келажак тақдирига Сизлар масъул бўласизлар. Биз Сизларни яхши биламиз! Кўзингиздаги митти ҳайрат албатта улкан иштиёққа айланажак! Кўксингиздаги чўғ Ватанни яшнатиш йўлида аланга олади. Унутманг, Сиз шу Ватанга керак, Сизнинг бахтингиз ҳам шундадир!**

---

<sup>1</sup> Илом Каримов. Миллий истиқлол мафқурси – халқ этиқоди ва буюк келажакка ишончдир., Тошкент, Ўзбекистон, 2000 йил, 11-бет

## ТАЛАБАНИНГ ЛУҒАТИ

### Ҳурматли талаба!

Сизга университетнинг тузилиши, унинг бошқариш тизимидаги бўғинлари, уларнинг ҳар бирини ўқув жараёнида тутган ўрни ва роли, таълим олиш давомида Сиз риоя қилишингиз зарур бўлган тартиб-интизомнинг энг асосий қоидалари ва шу каби масалалар устида қисқача тўхталиб ўтамиз. Албатта, ўқиш давомида университетга тааллуқли бўлган, унинг мазмуни ва моҳиятини ифодалайдиган томонлари билан тўлароқ танишиб олиш имкониятига эга бўласиз. Лекин тақдим этилаётган маълумотлар Сизни янги шароитга, университетдаги мавжуд шароитга тезроқ кўникиб кетишингизга ёрдам беради, деб ишонамиз.

Олий таълим муассасалари (*университетлар, академиялар, институтлар* ва бошқалар) да юқори малакали мутахассислар тайёрланади.

Олий мутахассислик таълими бакалавриат ҳамда магистратурага бўлинади.

**Бакалавриат** - олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим беради, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлиб, олий маълумот ва таянч мутахассислик дипломини олиш билан тугайди.

**Магистратура** - аниқ мутахассислик бўйича бакалавриат негизида камида икки йил давом этадиган олий таълим бўлиб, ундаги таҳсил якуний квалификацион давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш билан ниҳоясига етказилади.

**Аспирантура** - магистрлик негизида 3 йил давом этади ва номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш ҳамда танланган мутахассислик бўйича "фан номзоди" илмий даражасини олиш билан якунланади.

**Докторантура** - фан номзоди илмий даражаси негизида 3 йил давом этади, "фан доктори" илмий даражасини олиш учун диссертацияни ҳимоя қилиш билан ниҳоясига етади.

Олий таълим муассасасига бевосита раҳбарликни унинг ректори амалга оширади.

**Ректор** - лотинча "rektor" сўзидан олинган бўлиб, олий таълим муассасасининг раҳбари деган маънони англатади. Ректор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади ва у, ўзи раҳбарлик қилаётган олий таълим муассасасида "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" (*дастур тўғрисида ўқиш давомида тўлиқ маълумотларга эга бўласиз*) асосида таълим соҳасидаги ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга масъул. Шу билан бирга ректор олий таълим муассасаси фаолиятига тааллуқли келажакка мўлжалланган ишларни режалаштиради ва уларни амалга оширишни таъминлайди, олий таълим муассасаси ваколоти доирасида ходимлар ва талабалар бажаришлари мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, талабаларнинг ўқиш шароитларини яхшилашга ва уларни ўз вақтида стипендия билан таъминлаб туришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади.

Ректор олий таълим муассасасига раҳбарлик қилишда ўз ҳузурида тузилган илмий кенгаш, ўринбосарлари - проректорлар, факультет деканлари ва кафедра мудирлари фаолиятларига таянади.

**Илмий кенгаш** - олий таълим муассасасининг ректор раҳбарлигида проректорлар, факультет деканлари, етакчи кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчилар, аъло даражада ўқийдиган фаол талабалар таркибидан иборат жамоатчилик ташкилоти бўлиб, у таълим муассасасидаги ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни уйғунлаштиришга қаратилган асосий масалаларни муҳокама этади ва улар бўйича қарорлар қабул қилади. Талабалар илмий кенгаш мажлисига киритилган масалаларнинг муҳокамасида ундаги ўз вакиллари орқали иштирок этишлари мумкин.

**Проректор** сўзи "pro"-бирга ва "rektor" сўзларидан ташкил топган бўлиб, бирга бошқариш маъносини билдиради. Олий таълим муассасаларида проректорлар, асосан, қуйидаги масалалар бўйича фаолият кўрсатадилар: **маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор; ўқув ишлари бўйича проректор; илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректор; иқтисод ва тадбиркорлик ишлари бўйича проректор.**

Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича олий таълим муассасаси таркибида факультетлар ташкил этилади. Факультетда, одатда, бакалавриятнинг бир нечта таълим йўналишлари бўйича ўқув-тарбия жараёни ташкил этилиши мумкин.

**Факультет** - лотинча "fakultas" сўзидан олинган бўлиб, олий таълим муассасасининг ўқув-илмий ва маъмурий бўлинмаси маъносини билдиради. Факультетни декан бошқаради. Факультетда унинг йўналишига қараб бир нечта кафедралар фаолият кўрсатишлари мумкин.

**Декан** - (лот. *decanus* - ўнбоши; қадимги Рим кўшинида 10 та аскарнинг бошлиғи) олий таълим муассасасида факультетнинг ўқув, илмий ва тарбиявий ишлари раҳбари ҳисобланади. Факультет деканининг маънавият ва маърифат масалалари ҳамда ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари бўлади. Деканнинг идораси деканат деб аталади. Деканат олий таълим муассасасининг талабалар билан ишлайдиган асосий бўлинмасидир. Декан қуйидаги вазифаларни бажаради:

- факультет доирасида илмий-услубий кенгашга раҳбарлик қилади ва талабалар илмий-тадқиқот ишлари кенгаши фаолиятини назорат қилади;
- факультетнинг ўқув-тарбиявий, илмий-услубий, илмий-тадқиқот ишларига бевосита раҳбарлик қилади;
- ўқув режа, ўқув дастурлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бажарилишини таъминлайди;
- кафедралараро илмий-услубий, илмий-амалий мажлислар ва конференцияларни ташкил қилади ва ўтказиши;
- ўқув жараёни жадвали тузилишига раҳбарлик қилади;
- ўқув жараёнида талабаларнинг давомати ва ўзлаштиришини назорат қилади, уларнинг билим даражасини рейтинг тизими асосида баҳолашни ташкил қилади;
- ўқув жараёнига янги педагогик ўқув технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- талабаларни курсдан курсга ўтказиш, академик таътиллар бериш, давлат аттестациясига қатнашиш ва битирув ишларини ҳимоя қилишга тегишли буйруқлар тайёрлайди;
- ўрнатилган тартибда талабаларни стипендияларга тавсия этади ва талабалар турар жойидан жой беради;
- факультетни аввал битирганлар билан алоқа ўрнатади, уларнинг амалий фаолияти давомида тўплаган ижодий тажрибаларини ўрганади ва уларни кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда кўллайди;
- иқтидорли ва ўқишда алоҳида ютуқларга эришган талабаларга зарурий шароитлар яратиб беради;

- талабаларнинг мустақил иши учун шароит яратади ва унинг назоратини ташкил этади;

- таълим-тарбия сифатини янада ошириш мақсадида талабаларнинг оналари, васийлик, жамоатчилик кенгашлари аъзоларини бу ишга жалб қилади;

- талабаларни гувоҳнома, рейтинг дафтарчаси, бошка ҳужжат ва маълумотлар билан таъминлайди.

Олий таълим муассасасида таълим йўналишлари режасидаги фанлар бўйича машғулотлар тегишли кафедралар томонидан амалга оширилади.

**Кафедра** (юнонча *kathedra* - стул, ўриндик - минбар, унга кўтарилиб маъруза ўқилади, нутқ сўзланади ва аудитория олдида чиқиш қилинади) олий таълим дастуридаги ўзаро боғлиқ фанларни ўқитиш ва соҳа бўйича илмий ва илмий-услубий тадқиқотлар ўтказувчи бўлинма. Кафедралар умумтаълим, умумкасбий ёки ихтисослик йўналишлари бўйича ташкил этилади. Кафедра олий таълим муассасасининг бошланғич ва асосий ўқув-илмий марказидир. Кафедрани унинг мудирини бошқаради.

**Кафедра мудирини** - давлат таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлар асосида муайян фанлар бўйича ўқув жараёнини юқори даражада таъминлашга масъул;

- кафедрада ўтказилаётган илмий, илмий-услубий ишларни бошқаради;

- талабалар билими ва кўникмаларининг мониторингини олиб боради;

- дарсларга ўзаро ташрифларни ва очик маърузалар ташкил қилади ва таҳлил этади;

- таълим йўналишлари бўйича кадрларга буюртма берувчи корхона ва ташкилотлар билан узвий алоқа ўрнатади ва ҳамкорликда иш олиб боради;

- фанлар бўйича ўқув жараёнини адабиётлар билан таъминланишини ташкил этади.

- Кафедрада профессор, доцент, катта ўқитувчи ва ассистентлар фаолият кўрсатади.

**Профессор** ( лот. *Proffesor* - мураббий ) - илмий унвонли, олий таълим муассасасида асосий назарий машғулотлар, (маърузалар)ни олиб борувчи ҳамда илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилувчи юқори малакали ўқитувчи.

**Доцент** (лот. *Docens* - ўқитаётган) - тегишли илмий унвонли, фанлар бўйича назарий ва амалий дарслар, илмий тадқиқотлар олиб борувчи етакчи ўқитувчи.

**Катта ўқитувчи** - кўп йиллик илмий-педагогик иш тажрибасига эга бўлган, одатда, илмий даражаси бўлмаган ўқитувчи.

**Ассистент** ( лот. *assistant* - қатнашаётган, ёрдамлашаётган) - профессор ёки доцент раҳбарлиги остида талабалар билан лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказувчи ўқитувчи. У кафедранинг илмий-тадқиқот, илмий-услубий ишларида иштирок этади.

Кафедра ўқитувчилари маъруза дарсларни икки ва ундан кўп гуруҳларни бирлаштириб, амалий машғулотларни бир академик гуруҳда, лаборатория дарсларини кичик гуруҳларда ўтказадилар. Талабаларнинг давомати, билими ва кўникмаларини баҳолайдилар ва барча маълумотларни деканатга тақдим этадилар.

Ўқув гуруҳлари деканат томонидан таълим йўналишлари (мутахассисликлари) ва ўқитиш тиллари бўйича талабалар сонидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Ҳар бир гуруҳда деканат билан келишилган ҳолда гуруҳ сардори сайланади. Гуруҳ сардори гуруҳ, аъзолари ва деканат ўртасидаги алоқаларни амалга оширади.

Ҳар бир ўқув гуруҳига деканат томонидан мураббий (*куратор*) бириктирилади.

**Куратор** - лотинча "*curator*" сўзидан олинган бўлиб, бирор иш, бирор шахс, бирор нарса устидан назорат олиб бориш топширилган ҳомий деган маънони билдиради. Олий таълим муассасасида гуруҳ мураббийси талабалар билан маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни олиб боради, яккама-якка суҳбатлар ўтказди, ҳаётий маслаҳатлар беради, зарур булган ҳолларда талабалар ота-оналари билан боғланади, ўз фаолияти тўғрисида деканатга мунтазам равишда ҳисобот бериб боради.

**Ўқитиш муддати** талабалар томонидан ўқув режа ва дастур ўзлаштирилиши учун белгиланган меъёрий муддатдир. **Бакалавриат учун бу камида 4 йил, магистратура учун камида 2 йил.** Ўқув жараёни ўқув йиллари бўйича амалга оширилади.

**Ўқув йили** - 2 сентябрдан 30 июнгача бўлган олий таълим муассасасининг фаолият даври. Ўқув йили одатда икки ўқув семестрига бўлинади.

**Ўқув семестри** - олий таълим муассасасида ўқув йилининг ярмини ташкил этувчи, ўзаро боғлиқ фанларнинг маълум мажмуини ўзлаштиришга мўлжалланган ва улар бўйича якуний назорат билан тугалланадиган қисми.

Ўқув семестри давомида ўқув режаси асосида тузилган дарс жадвалига мувофиқ маърузалар, лаборатория ва амалий машғулотлар, семинарлар ва бошқа аудитория машғулотлари ўтказилади.

**Ўқув режаси** - тегишли йўналиш ва мутахассисликлар бўйича ўқитиладиган ўқув фанлари ва курсларининг таркибини ҳамда уларнинг ўқув семестри бўйича ҳажмини соатларда белгилайдиган меъёрий ҳужжат.

**Дарс жадвали** - олий таълим муассасасида ҳар ўқув семестри бўйича ўқув ҳафтасида (*олти кунлик*) муайян фандан ўқув машғулотларини ўтказиш кетма -кетлигини белгилайдиган ҳужжат. Дарс жадвали одатда факультет декани томонидан тасдиқланади.

**Маъруза** - ўқиш, ўқитувчининг ижодий тавсифидаги аудиторияда ўқув режаси бўйича ўтказиладиган назарий дарс машғулоти дир.

Зарур ҳолларда ўқитувчи тегишли мавзу бўйича дарсдан олдин кўшимча материаллар тарқатиши мумкин.

**Лаборатория ишлари** ёки амалий машғулот назарий билимларни чуқур ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган аудиториядаги ўқув машғулотларидир.

**Семинар** (*лот. Seminarium - кўчириб ўтказиш*) - талабаларни мустақил таълим олиш, мустақил фикрлаш ва ижодий тайёрлаш учун мўлжалланган, уларнинг фан бўйича билимларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга қаратилган аудитория ўқув машғулотларининг тури.

**Мустақил иш** - назарий ўқитишнинг мустақил тарзда ташкил қилиш шакли. Бунда талабалар ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлайди, шу жумладан, интернет воситасида ўз соҳаси бўйича корхоналарда, илмий муассасаларда, лабораторияларда билим ва кўникмаларни мустақил равишда оширади.

Таълим дастурининг маълум бир қисми тугаллангач, одатда, баҳорги семестр якунида малакавий амалиёт ўтказилади.

**Малакавий амалиёт** - назарий билимларини мустаҳкамлаш, амалий кўникмалар ҳосил қилиш учун ўтказилади. Малакавий амалиёт тажрибали ўқитувчи раҳбарлигида, йирик корхона ва муассасаларда ўтказилади. Малакавий амалиёт натижалари бўйича талаба ҳисобот ёзади ва уни махсус комиссияда ҳимоя қилади.

Ҳар бир олий таълим муассасаси ўзининг кутубхонасига эга.

**Кутубхона** - дарслик ва бошқа ўқув адабиётларидан жамоатчилик асосида фойдаланишини ташкил этувчи маданий - маърифий ва ахборот маркази.

Кутубхона хизматларидан олий таълим муассасасида ўқиётган барча талабалар фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ўқиш жараёнида ҳар бир талаба ўзига зарур бўлган ўқув адабиётларни белгиланган маълум муддатга олиши мумкин. Зарур адабиёт билан танишиб чиқиш учун кутубхона таркибидаги ўқув залларидан фойдаланиш мумкин.

**Стипендия** (*лот. stipendium - тўлов, маош*) - давлат олий таълим муассасасининг кундузги бўлимида яхши баҳолар билан ўқиётган талабаларга мунтазам (*ҳар ойда*) тўлаб бориладиган пул. Стипендиялар миқдори ва тўлаш тартиби тегишли Низом орқали белгиланади.

## ЁШ ДЎСТИМ!

*Сиз талабалик йиллари давомида эслатмада келтирилгандан кўра бир неча хисса кўпроқ маълумотларга эга бўласиз. Шунга қарамай, мана шу озгина дастлабки билимлар Сизнинг қалбингизни она Ватан учун ифтихор ҳислари билан тўлдиришига, Сизнинг унга бўлган фарзандлик меҳрингизни оширишига, Ватаннинг гуллаб-яшнаши ва тараққиёти учун шараф билан хизмат қиладиган малакали мутахассис бўлиб этишишингизга кўмаклашувига ишончимиз комил.*

**Азиз талабалар!** Сиз ҳозир ҳаётингизнинг энг асосий, энг нозик поғонасида турибсиз, чунки келгуси ҳаётингиз, жамиятдаги ўрнингиз бугунги ҳатти-ҳаракатингизга боғлиқ бўлади.

Касбингизни тўғри танлаган бўлсангиз, унга меҳр ва муҳаббат билан қарасангизгина, келгуси меҳнатингиз завқи ва самараси Сизга ёр бўлади. Фақат шундагина сиз инсониятга, жамиятимизга фойда келтира оласизлар.

Сиз бугун олий таълим даргоҳига биринчи қадамни қўйдингиз. Сизларни ёш ниҳолга ўхшатса бўлади. Ниҳол ўз вақтида меҳр билан авайлаб парвариш қилинса, у вақти келиб катта бақувват дарахтга айланади. Инсон ҳам худди шундай. Сизнинг билимингиз, фикрлашингиз, дунёқарашингизнинг янада кенгайиши олий таълим даргоҳида таълим олаётган вақтга тўғри келади.

Ҳозирги пайтда фан ва техниканинг жадал ривожланиши янги талабларни юзага чиқараяпти. Бўлажак муҳандис, бакалавр бу илмий техник тараққиётнинг етакчиси. Бугунги олий маълумотли мутахассис замонавий иқтисодий фикр, ташкилий ва бошқарув ишлари соҳиби бўлмоғи даркор. У ўта даражада маданиятли, компьютер ва замонавий телекоммуникация воситаларидан фойдаланишнинг фаол услубларини қўллай оладиган ва албатта бирор чет тилини биладиган бўлиши керак. Университетимизнинг таълим-тарбия соҳасидаги асосий мақсади: мамлакатимизга юқори малакали мутахассислар етказиб бериш билан бир қаторда уларни университетни тугатгандан кейин ҳам умрлари давомида ўз устиларида мустақил ишлашга одатланишни ўргатиш бўлиб ҳисобланади. Бу мақсадни амалга ошириш йўлида муҳим вазифа – талабаларнинг тарбиялашнинг самарали усуллари ишлаб бўлиб чиқиш ҳисобланади.

Университет профессор-ўқитувчилари талабаларга билим бериш билан бирга, уларга мустақил фикр юритиш, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш услубиётини ҳам ўргатадилар.

Ўқув жараёни талабаларни тарбиялашнинг асоси ҳисобланади. Ўқув жараёни ўз навбатида ишлаб чиқариш билан боғланган ҳолда олиб борилиши лозим. Чунки замонамизнинг эътиборли хусусиятларидан бири – фан ва ишлаб чиқаришнинг тобора яқинлашуви, бир-бирига боғлиқлигини ўсишидир. Моддий ишлаб чиқариш жараёнида ақлий ва жисмоний меҳнат ўзаро боғланиб, улар орасидаги фарқ йўқола бошлайди. Шундай экан, талабаларда меҳнатсеварлик хусусиятини шакллантириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

### **ТАЛАБАЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ:**

Ректорнинг буйруғи асосида ўқишга қабул қилинган шахслар университет талабаси бўлиб ҳисобланади. Уларга талабалик гувоҳномаси ва рейтинг дафтарчаси берилади.

Университетга қабул “Ўзбекистон республикаси Олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисидаги Низом”га асосан, (академик лицей ва касб-ҳунар коллежи) маълумотига эга бўлган шахсларнинг аризаси ва тест танловига асосан давлат гранти ҳамда шартнома тўлови – контракт асосида амалга оширилади.

### **Талабалар қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- Замон талабига жавоб берадиган фан-техника ва маданият соҳасидаги билимларни эгаллаш;
- Университет раҳбарияти ва жамоат ташкилотлари орқали олий ўқув юрти фаолиятидаги муҳим масалалар муҳокамаси ва ечилишида иштирок этиш;
- Дарсхоналар, ўқув-илмий тажрибахона, кутубхоналар, ўқув-техника воситалари, маданият, спорт саройлари ва дам олиш жойларидан фойдаланиш;
- Барча илмий-назарий семинарлар ва конференцияларда иштирок этиш, ўз илмий ишлари натижаларини чоп эттириш;
- Маъмурият томонидан чиқариладиган буйруқ ва фармойишлар устидан амалдаги қонунчилик асосида шикоят қилиш ва бошқалар;

## Талабалар бурчлари:

- Ўз мутахассислиги бўйича чуқур назарий ва илмий-амалий билимларни эгаллаш;
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, республика Президенти Ислам Каримовнинг асарлари, нутқ ва мақолалари, миллий ғоя, халқимизнинг бой маънавий мероси, қадриятлари, маданияти, фалсафасини чуқур ўрганиш ва шу асосда миллий ғурур, ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини ўзларида шакллантириш ва тарбиялаш;
- Ўзларининг ахлоқий, ғоявий-сиёсий, илмий, маданий савиясини, фаол фуқаролик позициясини тинмай ошириш ва такомиллаштириш;
- Кишилар орасида оммавий-маданий, тарбиявий ишлар олиб бориш кўникмаларини ҳосил қилиш ва тарбиялаш;
- Ўқув машғулотларига доимий равишда қатнашиш, барча ўқув дастурларида мўлжалланган ўқув-тарбиявий, илмий ишлар топшириқларини ўз вақтида бажариш;
- Университет ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиш;
- Университет ва талабалар турар жойида жорий этилган ички тартиб-қоидаларга тўла риоя қилиш;
- Университет шаъни, обрўини сақлаш учун курашиш, жисмонан соғлом, ақлан етук, руҳан тетик, баркамол, ташаббускор, тадбиркор ва бунёдкор, мустақил Ватан олдидаги масъулиятини чуқур ҳис эта оладиган, ўзлигини англаб етган, илғор, теран, кучли илмий тафаккурга, ўткир ижтимоий-сиёсий туйғуга эга бўлган фидойи мутахассис бўлиб етишиш.

## ТАЪЛИМ ОЛИШ ТАРТИБИ

Ҳар жиҳатдан етук инсонларни тарбиялаш миллий мафқуранинг энг долзарб вазифасидир. Чунки, миллий тараққиёт, ҳуқуқий давлат йўлига чиқиб, истиқлолнинг масъулиятли ва машаққатли довонидан ўтаётган Ватанимиз равнақининг пойдевори илғор, кучли илмий тафаккур ва соғлом руҳиятнинг шаклланиши ва ривожланишидан бошланади.

Мантиқан зукко, ақлан доно ва тадбиркор, руҳан тетик, баркамол инсонларгина истиқлолимизнинг истиқболлини белгилайдилар.

***Илм меҳнат талаб этувчи соҳадир. Қунт билан сабоқ олиш – мўъжизалар яратишга қодирдир! Илм хазинасининг калити ҳамиша***

**ёшларники! Бунинг учун улар буюк ирода, соф виждон, ҳалол меҳнат билан илм томон йўл очадилар.**

Фанлар асосан икки қисмга бўлинади, булар:

- **Ижтимоий гуманитар фанлар** – Сизнинг дунёқарашингизни шакллантиради;
- **Мутахассислик фанлари** – Сиз танлаган касбни, мутахассисликни ўзлаштириш, етук мутахассис кадр бўлиб етишишингизга кўмаклашувчи энг асосий восита бўлиб ҳисобланади.

**Дарс тартиби** – ҳар бир дарс 80 минут давом этади ва бу бир жуфтлик икки академик ўқув соатини ташкил этади.

**Дарс турлари** – маъруза, амалий (семинар машғулоти), лаборатория машғулоти.

Юқори курс талабалари баъзи фанлардан **курс иши** бажарадилар ва ниҳоят битирувчилар давлат имтиҳонлари топширадилар, **диплом иши** ёзиб, уни ҳимоя қиладилар.

**Мустақил иш** – назарий ўқитишнинг мустақил тарзда ташкил қилиш шакли. Бунда талабалар ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлайди, шу жумладан, интернет воситасида, ўз соҳаси бўйича корхоналарда, илмий муассасаларда, лабораторияларда билим ва кўникмаларини мустақил равишда оширадилар.

**Дарсни ўзлаштириш даражаси жорий назорат** билан аниқланади. Бу талабанинг ҳар бир фан учун тайёрланган назорат варақасида қайд қилинади. Бир неча мавзу ўтилгандан сўнг **оралиқ назорат** орқали талабалар билими аниқланади. Семестр охирида фани ўзлаштириш **яқуний назорат** билан аниқланади.

#### **Таълим олиш омили**

1. Дарсда ўтиладиган мавзунини пухта ўзлаштириш учун энг биринчи шарт талабанинг интизомидир, унинг дарсга лаёқати, ўқитувчига эътиқоди асосий омилдир. Бунинг учун:

- Дарсни қолдирмаслик;
- Дарсга кеч қолмаслик;

- Дарсга олдинроқ келиб, аудиторияда, ўз ўрнини эгаллаб, дарсга керакли жиҳозларни тайёрлаб, ўтган мавзунни кўздан кечириб, бўлажак машғулотларга талаба тайёр бўлади.

2. Гуруҳ сардорлари навбатчини тайинлаб, доска тозалигини, бўр ва латта мавжудлигини, компьютер воситалари созлиги ва тайёрлигини текширса дарснинг унумли ўтишига унумли ҳисса қўшган бўлади.

Дарсга қатнашганда албатта ўқув қуролларини ҳар бир талаба ўзи билан келтирмоғи зарур (яъни: маъруза дарсида конспект дафтари, ручка-қалам, махсус дарсларда эса чизгич, ўчирғич, чизмачилик асбоблари ва бошқа талаб қилинадиган асбоблар).

Дарсда фикрни йиғиб ўтирмоқ керак. Ўтилатган мавзунни чуқурроқ тушуниб олишга ҳаракат қилмоқ зарур. Одатда дарсда 30 фоиз билимлар ўзлаштирилади. Аммо инсоннинг қобилияти, имконияти кенг. Агар талаба ўзини дарсга тайёрлаб, бутун вужудини йиғиб тингласа, ўзлаштиришни 70-80 фоизгача етказиши мумкин.

Дарсда тушунмаган саволларни тўплаб, дарс охирида ёки дарсдан ташқари соатларда ўтиладиган қўшимча дарсда ёки маслаҳат ва индивидуал дарс соатларида ўз ўқитувчингиздан аниқлаб олишга ҳаракат қилинг.

Уйга берилган топшириқларни ўз вақтида бажаришнинг кўп афзалликлари бор: ўтилган мавзуларни такрорлаб туриш ва берилган топшириқларни ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилинг, натижада фанни ўзлаштириш ўсади.

Ҳар бир кафедрада қўшимча дарс жадвали мавжуд. Ана шу дарсларда қатнашиб, тушунарли бўлмаган ёки еча олмаган масалалардан маслаҳат олишингиз мумкин ва шу билан ўтилган мавзулардан тайёргарликни тўлиқ даражага кўтариш мумкин.

Юқори курсларда маълум фанлардан курс ишлари бажарилади. Бу кўп вақт ва меҳнат талаб қилинадиган жараён дир, шунинг учун бу ишларни бажаришда кафедра тузган режага риоя қилиб ишланса, бошқа дарсларга ҳалақит бермайди, акс ҳолда, жуда чўзиб юборилса, семестр охирида тўпланиб қолса, қабул қиладиган ўқитувчининг ҳам вақти етмай қолади ва бошқа фанларнинг ўзлаштиришга ҳам зарари тегади.

Назарий дарсларда ўтиладиган мавзулар амалий ва лаборатория ишларида мустаҳкамланади. Шунинг учун бу дарсларда тегишли фанга доир дарсликлар, маърузалар конспекти, бажариладиган лаборатория ишларининг ёзилган қисқача мазмуни, лаборатория ишлари учун қўлланма, масала ва машқлар тўплами ёки услубий қўлланмаси ҳар бир талабада бўлиши шарт.

Лаборатория ишларида айна мавзунинг назарий қисми топширилади ва бажарилган лаборатория ишларидан ҳисобот тайёрланади. Бу ишларга балл (баҳо) қўйилади.

Амалиёт дарсида айна мавзуга доир масала ва машқлар бажарилади ва олинган маълумотларни мустаҳкамлаш мақсадида уйда мустақил бажариш учун масала ва машқлардан топшириқлар бажарилади. Лаборатория ва амалий дарслар талабаларни мустақил ишлашга ўргатади ва фанни ўзлаштиришнинг асосий негизини ташкил этади. Шунинг учун бунга алоҳида эътибор бериш шарт.

Ўзлаштиришнинг самарадорлигини ошириш учун қўшимча адабиётлардан фойдаланиш, лаборатория ва амалий дарсда фаол қатнашиш, дарсда мўлжалланган барча топшириқларни бажариш шарт. Гуруҳдошлар билан мавзуларни муҳокама қилиш, вазифаларни бирга тайёрлаш, кўргазмали материал ва ўқитишнинг техник воситаларини тайёрлаш, илмий-текшириш ишларида қатнашиш алоҳида самарабахш этади. Шу режаларни амалга ошириш учун кун тартибига риоя қилиш керак. Шундагина Сиздан малакали, етук мутахассис кадр чиқади.

## ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ХАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Маълумки, республикамызда олий таълим муассасалари жуда кўп. Улар орасида Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) ҳам бор. Ўзбекистон Республикасида ахборот ва телекоммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрловчи етакчи техника университети ҳисобланади. Мазкур таълим муассасаси - бу замонавий типдаги, юқори илмий-педагогик салоҳият, таълим коммуникацияларининг кенг турлари, халқаро алоқаларнинг ривожланган тармоғи, жамиятда мутахассислар тайёрлаш даражаси бўйича юқори мавқега эга бўлган университетдир. Кейинги йилларда, университетда бакалавриатура таълимининг янги йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари очилмоқда, янги биналар қурилмоқда. Европа ва Осиёдаги етакчи олий таълим муассасалари билан халқаро ҳамкорлик ўрнатилмоқда. Сўнги йилларда ТАТУ да Корея Республикаси ва Ҳиндистон, КЕС(Япония) фирмаси, CISCO(АҚШ), HUAWEI (Хитой), ACETECH (Буюк Британия) замонавий ўқув марказлари очилган. Мазкур марказлар ҳозирги кунда ҳам фаолият юритмоқда, университетдаги ўқиш жараёнида талабалар бир вақтнинг ўзида мазкур марказларда ўз билимларини бойитиш имконига эга бўладилар.

### ТАТУ - БУГУН

Бугун ТАТУ телекоммуникация ва ахборот тизимлари соҳасида Марказий Осиёда етакчи ўқув муассасаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июнда қабул қилинган «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига биноан, ТАТУ ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича таянч олий ўқув муассасаси ҳисобланади. Таълим босқичлари: ўрта таълим (2 лицей), бакалавриат (**25** йўналиш), магистратура (**24** мутахассислик), аспирантура ва докторантурадан иборат.

Профессор-ўқитувчилар таркиби 400 га яқин бўлиб, улар: 4 нафар академик, 21 нафар профессор, 24 та фан докторлари, 87 нафар фан номзодлари ва доцентлардан иборат. **8500** дан ортиқ талабалар университетда ва филиалларда таълим оладилар. Университетда 28 та кафедра ва 37 та ўқув лабораториялари, **10** та тадқиқотчилик лабораториялари ва шахсий тармоғига эга бўлган компьютер марказлари, замонавий компьютерлар (**1800** дан ортиқ) ҳамда мультимедиали синфлар

**(20 дан ортиқ), 400** мингдан ортиқ китоблар билан ахборот-ресурс маркази (кутубхона) мавжуд. Сўнги 10 йил давомида университет тубдан ўзгарди. Университет биноси, аудиториялар ва кабинетлар, талабалар турар жойи биноси капитал таъмирланди, янги замонавий ўқув биноси, 700 ўринли ошхона, 400 ўринли спорт мажмуаси курилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида Ўзбекистон бозорларида ишловчи қатор компаниялар ҳамда корхоналар томонидан катта ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

### **ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ**

Университетда 7 та факультет мавжуд: ахборот технологиялари факультети, телекоммуникация технологиялари факультети, радиотехника, радиоалоқа ва телерадиоэшиттириш факультети, иқтисод ва бошқарув факультети, телевизион технологиялар факультети, малака ошириш факультети, махсус факультет. Университет қошида 2 та академик лицей мавжуд: Мирзо Улугбек номидаги академик лицей, ТАТУ қошидаги 2-сон ахборот технологиялари академик лицейи.

### **АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ**

Факультет 2003 йилда ташкил қилинган. Ахборот технологиялари ҳамда Ўзбекистоннинг ахборот хавфсизлиги бўйича кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда етакчи ҳисобланади. Факультет кафедралари: Ахборот технологиялари, Компьютер тизимлари, Электрон тижорат, Ахборот хавфсизлиги, Ахборот технологияларини дастурий таъминлаш, Техник таълим педагогикаси, Информатика ва компьютер графикаси. Факультет қуйидаги таълим йўналишлари бўйича бакалаврларни тайёрлайди: информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар бўйича), ахборотлаштириш ва кутубхоначилик, ахборот хавфсизлиги, электрон тижорат, касбий таълим (информатика ва ахборот технологиялари), сервис (ахборотлар сервис), сервис (электрон ва компьютер техникаси бўйича). Қуйидаги мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланади: компьютер тизимлари ва тармоқлар, бошқаришни автоматлаштирилган тизимлари ва ахборотларни қайта ишлаш, компьютер тизимлари ва тармоқларини дастурий таъминлаш, амалий информатика, биотехник тизимларни техник ва дастурий таъминлаш, касбий фанларни ўқитиш методикаси, ахборот хавфсизлиги, криптография ва криптоанализ, электрон тижорат. Факультет

минтақа олий таълим муассасалари ўртасида дастурлаштириш бўйича жаҳон чемпионати саралаш турини ўтказиш ҳамда ўқувчилар ўртасида дастурлаштириш бўйича республика чемпионатини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича масъул ҳисобланади.

### **ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ФАКУЛЬТЕТИ**

Телефон-телеграф алоқа факультети 1955 йилда институтда ташкил этилган биринчи факультет бўлган. Кейинчалик бир неча бор қайта номланиб, ҳозирда телекоммуникация факультети деб аталади. Факультет оптак-толали, сунъий йўлдошли, радиорелели ва кабелли алоқа тармоқлар бўйича ишловчи маълумотлар узатиш, рақамли ва аналог телекоммуникация тизимларини лойиҳалаштариш, қуриш ҳамда фойдаланиш учун мутахассисларни тайёрлайди.

Факультет кафедралари: телекоммуникация узатиш тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари, телекоммуникация тармоқлари, маълумотлар узатиш тармоқлари ва тизимлари, электр занжирлари назарияси, олий математика, жисмоний тарбия ва спорт. Факультет қуйидаги таълим йўналишлари бўйича бакалаврларни тайёрлайди: телекоммуникация, касбий таълим (телекоммуникация), шунингдек, қуйидаги мутахассисликлар бўйича магистрларни тайёрлайди: алоқа тармоқлари, ўзеллари ва ахборотларни тақсимлаш, алоқа ва ахборот сигналларини қайта ишлаш оптик тизимлари, алоқа тармоқлари ва бошқарув тизимлари, махсус фанларни ўқитиш методикаси.

### **ИҚТИСОД ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ**

Факультет 1996 йилда ташкил этилган. Факультет битирувчилари алоқа соҳаси режалаштириш-иқтисодий бўлимларида, ишлаб чиқариш-техник хизматларида, акциядорлик ва хусусий корхоналарда, лойиҳалаштириш ташкилотлари ва ижтимоий соҳада фаолият юритадилар. Факультет кафедралари: иқтисод, менежмент ва маркетинг, почта хизматини автоматлаштириш, иқтисод назарияси, Ўзбекистон тарихи, фалсафа, чет тиллари, ўзбек ва рус тиллари. Факультет қуйидаги таълим йўналишлари бўйича бакалаврларни тайёрлайди: иқтисод (тармоқлар бўйича), менежмент (тармоқлар бўйича), почта алоқаси, шунингдек, қуйидаги мутахассисликлар бўйича магистрларни тайёрлайди: тармоқлар иқтисоди (алоқа ва ахборотлаштириш), менежмент (алоқа ва ахборотлаштириш).

## **РАДИОТЕХНИКА, РАДИОАЛОҚА ВА ТЕЛЕРАДИОЭШИТТИРИШЛАР ФАКУЛЬТЕТИ**

Факультет 1957 йили радиоалоқа ва радиоэшиттиш факультети сифатида ташкил этилган. Радиоузатиш, радиоқабул қилиш ҳамда телевизион марказлари, овоз ёзиш студиялари ускуналарини, радиоэшиттириш ва радио хизмати, радиоалоқа тизимлари, радиорелели тармоқлар, сунъий йўлдошли радиоалоқа ва радио эшиттириш тизимларини, ЮЧС СВЧ-техникаси антенналари ва қурилмаларини, мобил ва пейжинг алоқаси тизимларини, амалий ва кабелли телевидение ва шу кабиларни ишлаб чиқиш, шунингдек, фойдаланиш учун кенг ихтисосли мутахассисларни тайёрлайди.

Факультет кафедралари: радиотехника ва радиоалоқа, антенна-фидерли қурилмалар, радиоалоқа қурилмалари ва тизимлари, телевидение ва радиоэшиттириш, алоқа қурилмалари электр таъминоти қурилмалари, электроника, физикадан иборат. Факультет кўйидаги таълим йўналишлари бўйича бакалаврларни тайёрлайди: радиотехника, телевидения, радиоалоқа ва радиоэшиттириш, мобил алоқа тизимлари, шунингдек, кўйидаги мутахассислик бўйича магистрларни тайёрлайди: радиотехник қурилмалар ва алоқа воситалари, рақамли телевидения ва радиоэшиттириш, мобил алоқа тизимлари.

## **ТЕЛЕВИЗИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ФАКУЛЬТЕТИ**

Факультет 2009 йилда телевизион технологиялар бўйича мутахассисларни тайёрлаш факультети сифатида ташкил этилган. Республика телерадиокомпаниялари учун кенг ихтисосли мутахассисларни тайёрлайди. Факультет кафедралари: суратга олиш маҳорати, ТВ технологиялари, компьютер графикаси ва теледизайн. Факультет кўйидаги таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлайди: телеоператорлик, махсус ёритиш технологияси, аудио ва видео технологиялари, компьютер графикаси ва теледизайн, овоз ёзиш технологияси.

## **МАХСУС ФАКУЛЬТЕТ ВА ҲАРБИЙ КАФЕДРА**

Факультет 1993 йилда зобит-алоқачиларни тайёрлаш учун ташкил этилган. Факультет 7 мутахассисликлар бўйича зобитларни тайёрлайди. Факультет таркибида 8 та махсус кафедра мавжуд. Факультет кафедралари замонавий телекоммуникация ва радиотехника воситалари билан жиҳозланган, компьютер синфлари ташкил этилган, замонавий

мультимедиаги воситалар билан таъминланган. Алоқа зобитларини тайёрлашнинг ўзига хос хусусияти уларга ҳарбий мутахассисликдан ташқари университет битирувчилари оладиган таълим йўналишларидан бири бўйича бакалавр дипломи берилишидан иборат. Факультетда ўқиш муддати 5 йил.

Махсус факультет биринчи ва иккинчи курс талабалари ТАТУ нинг барча бошқа факультет талабалари билан биргаликда ўрнатилган тартиб бўйича таълим оладилар. Учинчи курсдан бошлаб, талабалар ҳарбий қасамёд қабул қиладилар ва давлат томонидан бепул овқат, яшаш жойи, махсус кийим билан таъминланадилар. Факультет битирувчиларига "лейтенант" ҳарбий унвони берилади, инженер дипломи тақдим этилади ва Мудофаа вазирининг буйруғи бўйича хизматни давом эттириш учун ҳарбий қисмларга йўналтириладилар. Факультет қошида зобит кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш маркази фаолият юритади.

ТАТУ ҳарбий кафедраси 2-курсни тамомлагандан кейин танлов бўйича саралаб олинган талабалар таркибидан бир йил давомида алоқа қўшинлари взвод командирлари тайёрланади. Талабалар билан машғулотлар ўтказиш учун ҳафтада бир кун - ҳарбий тайёргарлик кунини ажратилади. 3-курс талабалари ўқув йили охирида ҳарбий-дала лагери йиғилишларини ўтказадилар ва қасамёд қабул қиладилар. Кафедра радиобосим ва тўсиқлар станцияларини ўрганиш учун компьютерли синфлар билан, виртуал тренажёрлар, ахборот ва ҳуқуқий таъминлаш машғулотларини ўтказиш учун синфлар билан таъминланган. Ҳарбий кафедрада муваффақиятли тайёргарликдан ўтган талабаларга бакалавр дипломини олганларидан кейин Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг буйруғи билан "лейтенант" ҳарбий унвони берилади.

**Университет бешта филиалга эга.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги ПҚ-91 сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 14 июндаги 130-сонли буйруғи асосида Қарши, Нукус, Самарканд, Урганч ва Фарғона шаҳарларида ТАТУ минтақавий филиаллари ташкил қилинди. Филиаллар қуйидаги таълим йўналишлари бўйича бакалаврларни тайёрлайди: информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар бўйича), телекоммуникация, касбий таълим (информатика ва ахборот технологиялари), сервис (ахборот сервис).

## **УРГАНЧ ФИЛИАЛИ**

Филиал таркибида битта - «Ахборот технологиялари» факультети фаолият юритмоқда. Бу факультетда «Ахборот технологиялари», «Информатика ва математика», «Табиий ва умумқасбий фанлар», «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» кафедралари мавжуд бўлиб, уларда 40 га яқин профессор-ўқитувчилар талабаларга таълим-тарбия бериб келмоқдалар. Факультетда 2 та магистратура мутахассислиги ва 4 та бакалавриат йўналишлари бўйича малакали кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Филиал қошида битта академик лицей, ахборот технологиялари маркази, ахборот-ресурс маркази, тил ўрганиш маркази, ёш дастурчилар марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Филиал талабалари Республика ва жаҳон миқёсидаги мусобақа ва танловларда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Бакалавриат йўналишлари: Информатика ва ахборот технологиялари (соҳалар бўйича), Касб таълими (Информатика ва АТ), Телекоммуникация, Сервис (ахборот сервиси) ва магистратура мутахассисликлари: Ҳисоблаш машиналари, комплекслари, тизимлар ва тармоқларини математик ва дастурий таъминлаш, Касбий фанларини ўқитиш методикасидан иборат.

## **ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ**

Фарғона филиали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги ПҚ - 91- сон "Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Урта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 14 июндаги 130-сон "Олий таълим муассасалари филиаллари тўғрисидаги намунавий Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2005 йил 21 июль 07-8/2015-сон тақдимномасини амалга ошириш мақсадида 2005 йил 23 июлдан Фарғона шаҳрида Тошкент ахборот технологиялари университетининг минтақавий филиали сифатида ташкил этилган.

Филиалда жами 74 та профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатиб, шундан: 4 нафар фан доктори, 23 нафар фан номзоди ҳамда 47 нафар илмий даража ва унвонга эга бўлмаган педагоглар фаолият кўрсатадилар. Ўқитувчилар сафида кафедра профессорлари: Д.Е.Акбаров, Н.Жўраев ва кафедра доценти Н.

Усмонов ва бошқаларнинг номларини алоҳида ҳурматга сазовор бўлиб, талабаларга чуқур билим берадилар.

Бакалавриат йўналишлари: Информатика ва ахборот технологиялари (соҳалар бўйича), Касб таълими (Информатика ва АТ), Телекоммуникация, Сервис (ахборот сервис) ва магистратура мутахассисликлари: Ҳисоблаш машиналари, комплекслари, тизимлар ва тармоқларини математик ва дастурий таъминлаш, Касбий фанларини ўқитиш методикасидан иборат

### **ҚАРШИ ФИЛИАЛИ**

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали 2005 йил 1 сентябрдан буён фаолият юритади. Филиалда 82 та замонавий компьютерлар билан жиҳозланган 4 та компьютер хонаси ва 92 та локал тармоққа уланган компьютер хонаси мавжуд. Қарши филиалида 364 талаба таҳсил олади. Филиалнинг 4 та кафедрасида 63 та профессор-ўқитувчилар, жумладан, физика-математика фанлари номзоди Э.Алиқулов, кафедра мудири, фалсафа фанлари номзоди Т.Қурбонов, катта ўқитувчилар Н.Иркаева, Б.Элмуродова, ассистентлар Н.Жумаев, Г.Худоёрова ва бошқалар талабаларга таълим берадилар.

Бакалавриат йўналишлари: Информатика ва ахборот технологиялари (соҳалар бўйича), Касб таълими (Информатика ва АТ), Телекоммуникация, Сервис (ахборот сервис) ва магистратура мутахассисликлари: Ҳисоблаш машиналари, комплекслари, тизимлар ва тармоқларини математик ва дастурий таъминлаш, Касбий фанларини ўқитиш методикасидан иборат.

### **САМАРКАНД ФИЛИАЛИ**

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарканд филиали Узбекистан Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги ТТҚ - 91 сон "Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори, Узбекистон Республикаси Олий ва Урта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 14 июндаги 130-сон "Олий таълим муассасалари филиаллари тўғрисидаги намунавий Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи ҳамда Узбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2005 йил 21 июль 07-8/2015-сон тақдимномасини амалга ошириш мақсадида 2005 йил 23 июлдан Фарғона

шаҳрида Тошкент ахборот технологиялари университетининг минтақавий филиали сифатида ташкил этилган.

Филиал Самарканд шаҳрининг марказида жойлашган. Филиалда талабалар тўрт йўналишда таҳсил оладилар. Факультетда 5 та: информатика ва ахборот технологиялари (соҳалар бўйича), умумқасбий фанлар, табиий фанлар, Ижтимоий-гуманитар фанлар, Тил ва жисмоний тарбия кафедралари мавжуд. Самарканд филиалида 93 нафар профессор-ўқитувчи талабаларга таҳсил беради, улардан 8 нафари фан доктори, профессор, 37 нафари фан номзоди, доцентлардир.

Бакалавриат йўналишлари: Информатика ва ахборот технологиялари (соҳалар бўйича), Касб таълими (Информатика ва АТ), Телекоммуникация, Сервис (ахборот сервиси) ва магистратура мутахассисликлари: Ҳисоблаш машиналари, комплекслари, тизимлар ва тармоқларини математик ва дастурий таъминлаш, Касбий фанларини ўқитиш методикасидан иборат.

### **НУКУС ФИЛИАЛИ**

Ҳозирги кунда филиалда 1 та факультет, 2 та кафедра мавжуд бўлиб, уларда 29 нафар профессор-ўқитувчилар, шулардан 1 та фан доктори ва профессор, 8 нафар доцент ва фан номзодлари фаолият олиб бормоқдалар.

Филиалнинг 4 та бакалавриат таълим йўналишлари бўйича жами 364 нафар талаба таҳсил олмоқда. Филиал ахборот технологиялари маркази томонидан филиалнинг Web саҳифаси яратилган бўлиб, доимий равишда янгиланиб борилади. Филиал Web саҳифасида филиал тарихи, таркибий тузилмаси, бугунги кундаги факультет, кафедра, бўлимлар ҳамда уларнинг илмий, таълим тизимидаги фаолиятлари ҳақида маълумотлар ўз аксини топган.

Бакалавриат йўналишлари: Информатика ва ахборот технологиялари (соҳалар бўйича), Касб таълими (Информатика ва АТ), Телекоммуникация, Сервис (ахборот сервиси) ва магистратура мутахассисликлари: Ҳисоблаш машиналари, комплекслари, тизимлар ва тармоқларини математик ва дастурий таъминлаш, Касбий фанларини ўқитиш методикасидан иборат.

### **АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР**

Университет қошида 2 академик лицей фаолият юритади. Академик лицейлар ўқув жараёни математика, физика, информатика ва чет тили каби

табiiй-илмiiй фанларни чуқур ўрганишга йўналтирилган. Машгулотларни ўтказиш, спорт билан шуғулланиш ва ўқувчиларнинг дам олишлари учун барча шароитлар яратилган. Лицейларда **40** дан ортиқ ўқув лабораториялари ва аудио ва видео аппаратуралар билан кабинетлар, ўн мингга яқин китоблар ҳамда дарсликларга эга бўлган ахборот ресурс маркази(кутубхона), 100 дан ортиқ компьютерлар мавжуд, улар Интернет тармоғига уланган.

### **ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК**

Тошкент ахборот технологиялари университетида халқаро алоқалар мустаҳкам йўлга қўйилган. Хусусан, чел эл университетлари ва илмiiй марказлари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатилган; етакчи чет эл ўқув муассасаларида профессор-ўқитувчилар, аспирантлар, докторантлар илмiiй стажировкалари ва малакасини ошириш курслари ташкил этилган; маърузалар ўқиш учун чет эл профессорлари ва мутахассислари таклиф этилади; истеъдодли талабалар чет эл университетларига ўқишга юборилади; қўшма ўқув ва илмiiй марказларини ташкил қилиш йўли билан чел эл дастурлари, жамғармалари ҳамда грантлари ҳисобига инвестициялар жалб қилинади.

Университет чет эл олий таълим муассасалари, ташкилотлар ва компаниялар билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича катта ишларни олиб бормоқда. Таълим ва илмiiй-тадқиқотчилик ишлари соҳасида Австрия, Арманистон, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Грузия, Ҳиндистон, Италия, Испания, Миср, Қозогистон, Хитой, Латвия, Малайзия, Нидерландия, Россия, АҚШ, Туркия, Украина, Франция, Жанубий Корея, Япония мамлакатлари каби **46** та чет эл университетлари, **8** та илмiiй марказ, **24** та ташкилот ва фирмалари билан ҳамкорликда фаолият юритади. Профессор-ўқитувчилар, аспирантлар ҳамда талабалар билан алмашиш, илмiiй стажировкалар ва малака ошириш курслари, академик материаллар ва мақолалар алмашиш, қўшма ўқув ҳамда илмiiй марказлар очиш, шунингдек, қуйидаги чет эл университетлари билан қўшма лойиҳалар ва тадқиқотларни амалга оширишда ҳамкорлик қилиш бўйича **50** дан ортиқ шартномалар, келишувлар ва меморандумлар имзоланган: Ёнгнам университети (YU, Жанубий Корея), Сеул Миллий университети (SNU, Жанубий Корея), Конкук университети (KU, Жанубий Корея), Корея илгор фан ва технология институти (KAIST, Жанубий Корея), Кукмин университети (KMU, Жанубий Корея), Чоннам университети (CNU, Жанубий Корея), Ханам Миллий университети

(HNU, Жанубий Корея), Кюнг Хи университети (КНУ, Жанубий Корея), Корея электрон технологиялари институти (KETI, Жанубий Корея), Корея фан ва ахборот технологиялари институти (KISTI, Жанубий Корея), Мультимедиа университети (МУ, Малайзия), Шанхай университети (Хитой), Пекин почта ва телекоммуникациялар университети (Хитой), Валенсия политехника университети (Испания), Кордоба университети (Испания), Миллий телекоммуникациялар институти (Франция), Фонтис университети (Нидерландия), Мериленд университети (АҚШ), Москва алоқа ва информатика техника университети (Россия), Санкт-Петербург давлат телекоммуникациялар университети (Россия), Санкт-Петербург давлат ахборот технологиялари, механика ва оптика университети (Россия), Томск давлат университети (Россия), Алоқа ва ахборот технологиялари университети (Украина), Одесса алоқа Милий Академияси (Украина), Миллий телекоммуникациялар институти (Миср), Миддлсекс университети (Буюк Британия), Парма университети (Италия), шунингдек, хорижий ташкилотлар ва фирмалар: Корея рақамли имкониятлар Агентлиги (KADO, Жанубий Корея), Электроника ва телекоммуникациялар илмий-тадқиқотчилик институти (ETRI, Жанубий Корея), Ахборот технологияларини байналмилаллаштириш илмий маркази (ITIRC, Жанубий Корея), TATA Info Tech (Ҳиндистон), Австрия сифатни текшириш Агентлиги (Австрия), HUAWEI (Хитой), SHANHAI BELL (Хитой), Alcatel (Германия), Siemens AG (Германия), Floriana bv (Нидерландия), CISCO systems (АҚШ), NEC (Япония), GANTEK holding (Буюк Британия) билан ҳамкорлик ўрнатилган.

ТАТУ қошида чет эллик шериклар билан ҳамкорликда бир неча ўқув марказлари ташкил қилинган: Жавоҳарлал Неру номли Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази (Ҳиндистон), Ўзбек-Корея ахборот уланиш - Интернет Плаза маркази (KADO, Жанубий Корея), Ўзбек-Корея ахборот технологиялари маркази (ITIRC, Жанубий Корея), «Ўзтелеком» АК ўқув маркази (NEC, Япония), CISCO маркази (АҚШ), HUAWEI маркази (Хитой), Телекоммуникация соҳасида аёлларни ўқитиш маркази (UNDP, АҚШ), SUN Microsystems ўқув лабораторияси (ACETECH T&S LLP, Буюк Британия).

Университетда мунтазам равишда чел эллик ҳамкорлар билан биргаликда халқаро конференция ва ўқув семинарлари ўтказилади.

## АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ (КУТУБХОНА)

Ахборот-ресурс маркази - АРМ (2007 йилгача университет кутубхонаси) 1955 йилдан буён фаолият юритади. Унга дастлабки дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларини Москва, Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) ва Одесса алоқа институтлари кутубхоналари совға қилганлар.

Сўнги йилларда янги ахборот технологияларини татбиқ этишга, кутубхона-ахборот жараёнларини компьютерлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. 1998 йили Антверпен олий мактаби (Бельгия) билан LIBANTA ҳамкорлик лойиҳаси амалга оширилди, кутубхона томонидан аспирантура ўқув зали жиҳозланди, компьютерлар ва лазер дисклари катта жамланмаси, инглиз тилида китоблар, ИРБИС дастури сотиб олинди,

Ҳозирги кунда АРМ 5500 ортиқ китобхон ва электрон ресурслардан фойдаланувчиларга хизмат кўрсатади. АРМ икки блокдан - анъанавий кутубхона, яъни қоғоздаги ахборотлар ва электрон кутубхонадан иборат. Электрон кутубхона - 4 та залга эга: 3та зал талабалар учун (60 ўрин) ва бир зал - ўқитувчи ва ходимлар учун (10 ўрин) хизмат қилади. Ҳар куни кутубхона хизматларидан ўртача **660** китобхон фойдаланади, китоблардан фойдаланиш йилига **300** мингга ташкил этади.

Кутубхонанинг фонди бугунги кунда тахминан **400** минг нусха китоб, брошюра, журнал, дискета ва CD-ROM ларни ташкил этади. Ҳар йили фонд 7-8 минг наشرга ошиб боради. ТАТУ ахборот-ресурс маркази хизмат кўрсатишнинг янги шакллари ва китобхонлар билан ишлаш методларини фаол татбиқ этишда давом этмоқда.

## ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙЛАРИ

Университетнинг талабалар турар жойлари (ТТЖ) учта 9-қаватли, битта 4-қаватли, битта 2 қаватли бинолардан ташкил топган ва 1233 киши яшашига мўлжалланган. Талабалар турар жойларида талабаларнинг яшашлари, дам олишлари ва оммавий-маданий тадбирлар ўтказишлари учун барча зарур шароитлар яратилган. Интернет тармоғига уланган компьютер синфлари ташкил килинган. Машгулотлар учун керакли ускуналар билан жиҳозланган хона, спорт майдонлари мавжуд. "Сигнал" санаторий-профилакторийси бўлиб, унда талабалар стационар шароитларда тиббий ёрдам олишлари

мумкин. Талабалар турар жойларида яшайдиган талабалар учун ҳафтасига беш кун бепул тушлик ташкил қилинган.

### **УНИВЕРСИТЕТНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ**

Университет маъмурияти, касаба уюшмаси талабаларни, ўқитувчиларни ва ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилаган фаол ишларни амалга оширадilar. Университетда 2 та ошхона, 6 та буфетлар, тиббиёт пункти, катта спорт мажмуаси ва 2 та дам олиш масканлари мавжуд, уларда университет талабалари, ўқитувчилари ва ходимлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизими ходимлари дам оладилар. Биринчи дам олиш маскани Оқтош тоғлари энг гўзал жойларидан бири Тошкент области Бўстонлиқ райони Ҳондайлиқ қишлоғида жойлашган, бу ерда университет талабалари ва ўқитувчилари ва алоқа соҳаси ходимлар дам оладилар. Дам олиш масканининг умумий майдони тахминан 8 гектарга яқин, 6 та коттежлар, талабалар учун икки қаватли бино, ошхона, болалар ва катталар учун 2 та чўмилиш Ҳовузлари, кўплаб сонли мевали дарахтлар, манзарали ўсимликлар мавжуд, баҳор ва езда соф тоғ суви оқиб ўтадиган махсус ариқлар бор. Иккинчи дам олиш маскани Тошкентдан 75 км. масофа узоқликда, Сирдарё яқинида, Тошкент области Чиноз районида жойлашган. Майдонининг кенглиги 2 гектар, балиқ ови ишқибозлари учун мўлжалланган имкониятлар мавжуд. Ҳозирги кунда асосий ва ёрдамчи биноларни капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар жиҳатдан зарур шарт-шароитларга эга бўлган бугунги кун ёшлари - орзуларига эришишлари ва келажакда мамлакатимиз равнақига ўз ҳиссаларини қўшишларига ҳеч бир шак-шубҳа йўқ. Фақат ўқиб, ўргансалар бўлгани. Катта ҳаётга қадам қўйишларида, камолот ва етукликка интилиш йўлларида омад ёр бўлсин!

## УНИВЕРСИТЕТНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

**1955 йил** - Тошкент электротехника алоқа институти (ТЭАИ). «Тошкент электротехника алоқа институти» Республика Алоқа вазирлигининг тармоқ институти ҳисобланиб, Марказий Осиё ва Қозоғистон учун электралоқа ва радиоалоқа бўйича муҳандисларни тайёрлаган.

**1960 йил** - электроалоқа муҳандислари биринчи авлоди тайёрланди.

**1978 йил** - Фрунзе (ҳозирда Бишкек), Душанбе, Олма-Ота ва Фарғона шаҳарларида ТЭАИ сиртқи факультетининг таянч пунктлари ташкил этилди.

**1993 йил** - ТЭАИ институти қошида алоқа зобитларини тайёрлаш учун махсус факультет ташкил этилди

**1994 йил** - Марказий Осиё республикалари ҳамда Мўғилистон, Покистон ва Ҳиндистон алоқа тармоқлари инженер-техник ходимлари малакасини ошириш учун институт қошида Марказий Осиё телекоммуникация ўқув маркази (ЦАУЦТ) ташкил этилди.

**1997 йил** - институт қошида лицей-интернат фаолият юрита бошлади

**1999 йил** - институт қошида академик лицей фаолият юрита бошлади.

**2002 йил** - Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармониغا асосан, ТЭАИ Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) деб атала бошланди.

**2005 йил** - Қарши, Нукус, Самарканд, Урганч ва Фарғона шаҳарларида ТАТУ минтақавий филиаллари ташкил этилди.

**Университетнинг интернет манзили:** [www.tuit.uz](http://www.tuit.uz); Электрон почта: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)

## **ТАТУ ТАЛАБАЛАРНИНГ АСОСИЙ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **Талабалар мажбур:**

- тайёргарлик (мутахассислик)нинг танланган йўналиши бўйича систематик равишда чуқур ва ўз вақтида назарий билимларга ва амалий кўникмаларга эга бўлиш;
- ижодий фикрлашга ўрганиш, чет тилларни ва компьютер техникасини ўрганиш;
- ўқув режаси ва дастурида кўзда тутилган барча турдаги ўқув машғулотларига қатнашиш ва барча вазифаларни белгиланган муддатда бажариш;
- университетда ўтказиладиган барча жамоат тадбирларида фаол иштирок этиш;
- ўз ташқи кўринишига доимо эътибор бериш, тартибли ва озода кийинган бўлиш;
- университет ва талабалар ТТЖ ички тартиб қоидаларини қатъий бажариш.

29. Машғулотларга узрли сабабсиз қатнашмаган талаба эртаси куниёқ факультет деканини хабардор қилиш ва университетга келган куни машғулотларни қолдиргани сабаблари ҳақида маълумот (оқловчи хужжатлар) тақдим қилиши зарур. 30 соатдан ортиқ машғулотларни сабабсиз қолдириши университетдан чиқариб юборишни келтириб чиқариши мумкин. Касал бўлган тақдирда талаба факультет деканига университетга хизмат кўрсатувчи тиббий муассасанинг белгиланган шаклдаги билдиришномасини тақдим этади. Сабабсиз дарс қолдирувчи талабаларга нисбатан қуйидаги тартибда чоралар кўрилади:

- 12 соатдан ортиқ дарс қолдирган талабаларга хайфсан эълон қилинади ҳамда гуруҳда кенг муҳокама этилади;

- 18 соатдан ортиқ дарс қолдирган талабаларга қатъий хайфсан эълон қилинади ҳамда уларнинг ота-оналари хат орқали чақиртирилиб, улардан фарзандларимизнинг хулқ-атворига изоҳ бериш талаб этилади;

- 30 соатдан ортиқ дарс қолдирган талабаларга нисбатан кескин чоралар кўрилади ва талабалар сафидан четлаштирилади.

30. Университет раҳбариятига аудиторияга кирганда, талабалар уринларидан туришлари шарт.

31. Талабалар университет мол-мулки (инвентарь, ўқув қўлланмалари, китоблар, ускуналар ва бошқалар)га эҳтиёткорона ва тартибли амал қилишга мажбур. Талабаларнинг университет маъмурияти рухсатсиз лаборатория ва бошқа биналардан турли асбоб-ускуналар олиб чиқиб кетиши қатъиян ман этилади.

32. Университет талабасига муносиб ташқи кўриниш ва кийинишга (“Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилотининг 9.03.2009 йилдаги № 16-сон баённомасига биноан, галстук тақиб юришга, ярим яланғоч кийинмасликка) қатъий риоя қилади.

33. “Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилоти ҳаракатида фаол қатнашади.

34. Барча ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш хоналарида тозалик ва тартиб университетдаги ички тартиб қоидаларда белгилангандек, техник ходимлар ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш асосида талабалар томонидан олиб борилади.

35. Университет ҳудудида чекиш мумкин эмас.

36. Ўқиш давомида масжидларга чиқиш ва хижоб ўраш мумкин эмас.

37. Ўқув интизомини, университет Уставини, мазкур қоидалар ва ТТЖ қоидаларини бузганлиги учун университет талабалари, аспирантлари, докторантлари ва тингловчиларига қуйидаги чоралардан бири қўлланилиши мумкин:

- хайфсан;
- ўқув муассасасидан четлаштириш.

### **Тошкент ахборот технологиялари университети**

#### **“Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилотининг 9.03.2009 йилдаги**

#### **№ 16-сонли баённомасидан кўчирма**

1.ТАТУ “Камолот” ЁИХ б.т.нинг 5.02.2002 йилдаги 15-сонли баённомаси қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2.Университет биноти ҳудудида ҳар бир талаба ички-тартиб қоидаларига риоя этиши, муносиб ташқи кўриниши ва кийинишга (шиппақда, шортида, хижобда юрмаслик ва ярим-яланғоч кийинмаслик, галстук тақиб юриш) қатъий риоя этмаган талабаларга тегишли маъмурий чоралар кўрилсин.

3. Битирувчи талабаларнинг малакавий битирув ишлари ва магистрлик диссертациялари ҳимоясидан сўнг бир-бирларига сув ва шампан виноси сепиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан тартиббузар талабалар

аниқланса, уларга университетдан четлаштиришгача маъмурий чоралар кўрилсин.

4. “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги” нинг 2009 йил 21 февралдаги 2/6-сон қарорига биноан ТАТУ МАТБ томонидан ишлаб чиқилган талаба ёшлар ўртасида диний мутаасиблик ва диний экстремизмнинг олдини олиш, ижтимоий муҳитни янада ривожлантириш чора-тадбирлар режасига асосан, бундан ташқари электр энергияси тежамкорлиги бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ТТЖларда истиқомат қилувчи талабаларга университет бинолари ва ТТЖ хоналарида номоз ўқимаслик, хоналарда компьютер сақламаслик, сигарет чекмаслик, кимор (карта) ўйнамаслик, хоналар балконларини тоза тутиш лозимлиги етказилсин ва ушбу тартиб қоидаларга риоя қилмаган талабаларга нисбатан тегишли чоралар кўрилсин.

### ***ТАТУ ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙЛАРИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ТАЛАБАЛАР АМАЛ ҚИЛАДИГАН ИЧКИ-ТАРТИБ-ҚОИДАЛАР***

**Университет талабалар турар жойларида истиқомат қилувчи талаба мажбур:**

- ТТЖ фаолиятдан асосий мақсад-талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, яшаш шароитларини яхшилаш, дўстона муҳитни қарор топтириш, бўш вақтларини фойдали машғулотларга жалб этиб, ғоявий-тарбиявий, маънавий-маърифий ишларни мунтазам олиб боришдан иборат.
- ТТЖга жойлаштириш ордер орқали амалга оширилади, ордер факультетларда ташкил этилган махсус комиссия қарорига биноан декан томонидан берилади, маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор, ТТЖ ҳокими ва комендант рухсати билан ТТЖга жойлаштирилади.
- ТТЖда ҳар йили махсус Низом асосида аттестация ўтказилади.
- Талабалар яшаш даврида зарурат туғилса, белгиланган тартибда талаба турар жойининг бир хонасидан иккинчи хонасига ёки бир талаба турар жойидан бошқа талабалар турар жойларига факультет декани рухсати билан кўчиб ўтиши мумкин.
- ТТЖда яшовчиларнинг шахсий мулкдан фойдаланиши махсус қайд этиш қоғози орқали амалга оширилади ва уларни эҳтиётлаш фойдаланишга олган шахс зиммасига юклатилади.

- Талабалар навбатчилик жадвалига биноан хоналарда, қават ва кириш жойларига навбатчилик қиладилар, дам олиш жойларида намунали тозаликни таъминлайдилар.
- Газ ва электр асбобларидан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қиладилар.
- ТТЖдан узоқ муддатга кетаётиб (дам олишга, амалиётга) факультет декани ва талабалар турар жойи ҳокимини икки кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб қўйишлари керак.
- Кундалик эҳтиёжга эга бўлмаган катта ҳажмдаги шахсий ва қимматбаҳо буюмларни талабалар турар жойининг буюмлар сақлаш хонасига топширишлари керак. Буюм сақлаш хонасига топширилмаган буюмлар учун талабалар турар жойи ҳокими жавобгар бўлмайди.
- Талаба яшаб турган хонаси ва бошқа умумий фойдаланиш жойларини ҳар доимо тоза ва тартибли тутиши лозим.
- Ҳамхоналар ва ТТЖда яшовчилар билан доимо самимий, аҳил муносабатда бўлиши керак.
- ТТЖ ва хонадаги мавжуд ҳамма жиҳозларни (шифонер, кроват, тумбочка, стол, стул ва Ҳ.к.) намунали даражада тутиш талаб этилади.
- Умумий фойдаланиш жойларига ўрнатилган ёритгичлар, электр ва газ плиталарини бузмаслик, ювиниш хонаси, ошхона, кутубхона ҳамда маънавият ва маърифат хоналаридан тўғри фойдаланиш лозим.
- Электр ва газ плиталаридан тўғри ҳамда тежамли фойдаланиш, қўлбола электр иситгич асбобларидан мутлақо фойдаланмаслик лозим.
- ТТЖда ўтказиладиган ҳашарларда, теварак-атрофларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида мунтазам равишда қатнашишлари лозим.
- Талаба университетдан четлаштирилган тақдирда ТТЖдан чиқариб юборилиши лозим.
- Ўқишни битирган ёки четлаштирилган талабалар яшаб турган хоналарини 2 кун ичида бўшатишлари керак.

- Талаба ТТЖ ҳокими, Талабалар Кенгаши раиси, қават сардори, навбатчилар, масъул ходимлар ва хизматчиларни бажариш чегарасидаги талабларига итоат этиши ва сўзсиз бажариши лозим.
- Ўрнатилган тартибда эрталабки бадан тарбия билан шуғулланиш керак.
- Талабалар чиқиндиларни белгиланган жойга ўз вақтида чиқариб ташлашлари лозим.
- “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатида фаол қатнашиш лозим.
- ТТЖдаги яшаш шароитини такомиллаштириш бўйича университет ва ТТЖ раҳбариятига мурожаат этиши мумкин.
- Соат 22.00дан кечикмасдан ТТЖда бўлиш лозим.
- ТТЖга жойлашиш жараёнида талабалардан ТТЖ ҳокими билан шартнома тузиб, ички тартиб-қоидаларга риоя этиш ҳақида кафолат хати олинади.
- ТТЖ ҳудудида чекиш, шовқин солмаслик, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, гиёҳванд моддалардан фойдаланиш, қимор ўйнаш, диний ақидаларни жорий этиш, хоналарда шахсий компьютерлардан фойдаланиш, рухсатсиз дам олиш кечаларини ўтказиш, хонадан – хонага рухсатсиз ўтиш қатъиян маън этилади. *(Ички тартиб-қоидаларни бузган талаба-ёшлар 2008 йил 30 сентябрда ректор томонидан тасдиқланган “Ўзини-ўзи бошқариш Низоми”га асосан, биринчи навбатда ТТЖдан ва университетдан четлаштирилади)*
- ТТЖда кечқурун 23.00 дан кейин электр энергиясидан фойдаланиш таъқиқланади.
- Ҳар бир талаба кечқурун соат 22.00 дан 23.00 гача текширув ўтказилиши нуқтаи назаридан ўз хонасида бўлиши шарт.
- ТТЖда истиқомат қилувчилар “Ўзини-ўзи бошқариш Низоми”ни яхши билиши, маънавий-маърифий клубларда фаол қатнашиши керак.
- Ўқув йили давомида талаба камида 100 соат ободонлаштириш ишларида қатнашади, жамоавий тадбирларда фаол иштирок этади.

## **МАЪНАВИЯТ САБОҚЛАРИ**

### **БЎШ ВАҚТНИ ЎТКАЗИШ ВА ДАМ ОЛИШ**

Олтиндан қадрли, жавоҳирдан қимматли нарса вақтдир. Оқиб кетган сувни қайтариб бўлмагандек, ўтиб кетган вақтни ҳам қайтариб бўлмайди. Шунинг учун бирор сония вақтни бекор ўтказмасдан фойдали иш қилиб қолиш керак. Вақтни қадрига етиш ва унинг ҳар бир дақиқасидан унумли оқилона фойдаланиш даркор.

Доно халқимизнинг: “Вақтнинг қадрига ет”, “Вақтинг кетди-нақдинг кетди” каби ҳикматли сўзлари ҳам худди ана шу бўш вақтни қадрлай олиш, ундан унумли фойдаланишни кўзда тутиб айтилган ҳикматлардан бўлса, ажаб эмас. Олий таълим муассасасида талабалар дарсдан бўш вақтида турли ишларга жалб қилинадилар. Бу ишлар ўз мақсади бўйича турли шаклда бўлади:

#### **1. Дарсдан ташқари ишлар**

- А) кутубхонада шуғулланиш;
- Б) уйда мустақил тайёрланиш;
- В) ўқитувчилар билан суҳбат;
- Г) дўстлар билан дарс тайёрлаш;
- Д) тўгаракларга қатнашиш.

#### **2. Маданий ишлар:**

- А) спорт билан шуғулланиш;
- Б) кино, театрларга бориш;
- В) бадий адабиётлар ўқиш;
- Г) бадий тўгаракларга қатнашиш;
- Д) жамоат ишларида қатнашиш;

#### **3. Хўжалик ишлари:**

- А) хонани тартибга келтириш;
- Б) кийимларни тартибга келтириш;
- В) ўқитувчилар билан суҳбат;
- Г) дўстлар билан бўладиган ишлар;
- Д) шанбалик, навбатчилик ишлари;

## **ТАЛАБАНИНГ ЎҚУВ-ЛАБОРАТОРИЯ БИНОЛАРИДА ЎЗИНИ ТУТИШИ**

Севимли шоиримиз Абдулла Орипов ўзининг бир шеърида: Шу осмон сеники ва шу озод юрт, шу тупроқ сеники, кўзларингга сурт, -дейди.

Азиз талабалар! Шу муҳташам бинолар ва асбоб-ускуналар сизлар учун! Уларни асраб-авайлаш сизнинг талабалик бурчингиздир. Чунки, ҳар бирингиз шу даргоҳда таълим оласиз. Таълим муассасасидаги барча жиҳозлар сизнинг савиянгни оширишга қаратилган. Кўп лабораторияларда тайёрланган асбоб-ускуналар ўқитувчилар ва фаол талабалар ёрдами билан тайёрланган. Шунинг учун бу асбоб ва ускуналарни асраб-авайлашга, қўлингиздан келса, имкониятингиз бўлса, сиз ҳам ўз навбатида шунга ўхшаш асбоб-ускуналарни тайёрлашда ўз ҳиссангизни қўшишга ҳаракат қилинг.

Булардан ташқари, ОТМда сизларнинг маданий савиянгни ошириш мақсадида қанчадан-қанча кўргазмалар, намунали материаллар ва услубий қўлланмалар университет йўлакларидан ва лаборатория деворларидан осиб қўйилган – булар ҳаммаси сизлар учун! Булар билан бир неча дақиқа бўш вақтингизни бериб танишиб чиқсангиз анча баҳра оласиз, ўз касбий савиянгни ва маънавиятингизни бойитган бўласиз. Бу кўргазмаларнинг барчаси ўқитувчиларнинг ташаббуслари билан сизлар учун тайёрланган, демак, уларни асраш сизга ҳам қарз ҳам фарздир!

### **ОБОДОНЧИЛИК – ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ**

Бизнинг ўқув юртимизда таълим ва тарбия олаётган ҳар бир талаба кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида жуда фаол қатнашадилар. Ҳар бир гуруҳ учун маъмурият томонидан ер участкаси ва ободончилик майдонлари бириктирилган. Талабалар бўш вақтларида ер участкаларини бегона ўтлардан тозалаб, ер ағдариш, суғориш, кўкаламзорлаштириш ишлари билан шуғулланадилар.

Таълим муассасаси ва унинг теварак-атрофини тоза тутиш, асраб-авайлаш ва ободонлаштириш талабаларнинг шарафли бурчидир.

## **УНИВЕРСИТЕТ ИЧКИ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ректорнинг буйруғига асосан, университет, ўқув лаборатория бинолари, талабалар турар жойлари худудлари ичкилик ичилмайдиган ва чекилмайдиган худудлар деб эълон қилинган. Ушбу қоидага риоя қилмаганлар талабалар сафидан четлаштирилиши, профессор-ўқитувчиларга, ходимларга эса қонун асосида интизомий чоралар кўрилиши буйруқда ўз ифодасини топган.

Университет атрофи хушманзара бўлса нақадар роҳатланасан киши! Шунинг учун университет маъмурияти ободончиликка анча диққат билан эътибор беришарди. Лекин бу хайрли ишда сизларнинг фаол қатнашининг талабалар бурсинингидир.

Ҳар бир талаба ўзидан кейин ҳеч бўлмаганда бир ниҳол нишона қолдирмоғи шарт, шундагина таълим муассасаси атрофи йил сайин кўркам бўлади. Унинг соясида дам оладиган ҳар бир талаба ва ўқитувчи, ҳар бир ходим ва йўловчи сизнинг меҳнатингизга ташаккур, тасаннолар айтажак!

### **ОРЗУИМИЗ - БАРКАМОЛ АВЛОД**

Баркамол авлодни тарбиялаш инсониятнинг энг ёрқин орзуси бўлган. Бундай орзудаги инсонлар азалий маърифатга, маданиятга мансуб бўлган юртларнинг донишмандлари - энг мўтабар зиёлилари ҳисобланадилар. Улар орасида Ўзбекистон деб аталмиш муаззам заминимизда яшаган боболаримизнинг ўз ўрни, ҳурмати бор. Бу жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган ҳақиқатдир. Баркамол авлодни тарбиялаш орзусига ўз тарихимиздан кўп далиллар келтиришимиз мумкин. Ал Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асаридеги ғояни ёдга олинг. Унга кўра жамиятнинг ҳар бир фуқароси –мансаби, тутган ўрни, яъни ким бўлишидан қатъий назар, фозил киши бўлмоғи лозим. Фозил инсон ўз давлатининг барча қонун-қоидаларини яхши билади, унга амал қилади, фикрлайди, ўз касбининг устаси, лозим бўлганда Ватан учун жон фидо қилади. Фозил шаҳар аҳолиси бир-бирига меҳр ва эҳтиромда бўлади. Бу нарса боболаримизнинг маънавий даражаси нақадар юксак бўлганлигини кўрсатади. Демак, бизнинг баркамол авлодни тарбиялаш ҳақидаги ғоямиз учун маънавий асос бор.

Миллатимиз урф-одатлари, илм ва билимга интилиш ҳислати бир неча минг йиллар давомида шаклланган, сайқал топган. Боболарнинг шу каби ўй-

фикрлари, ёшлар тарбияга эътибор тилдан-тилга кўчган, китобларда ёзиб қолдирилган. Соҳибқирон Амир Темур давлатида фан ривожини учун шароит яратилган, маданият ривожланган, минораю масжидлар бунёд этилган. Демак, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслини тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиз бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаяпти.

Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон ўз қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин. Мамлакатимизнинг истиқболи йўлидаги биринчи қадамларданоқ, маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда, - дейди юртбошимиз Ислом Каримов.

Ўқитувчи ва талаба муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши керак. Ўқитувчининг бош вазифаси талабаларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда, тажрибамизда унга риоя қилмаймиз. Ҳаммамизга маълумки, ҳаётимизнинг барча соҳаларида ислохотларни ўтказиш, ўзбек модели деб ном олган ислохотлар сиёсатининг асослари бўлмиш беш тамойилнинг бирида - ислохотларни ҳаётга тадбиқ қилишда мана шу тамойил асосий ўрин эгаллайди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури умумий маданиятни юксалтиришга, фарзандларимизнинг жамиятда ўз муносиб ўрнини топишига хизмат қилади. Уларнинг касбий ва таълимий дастурларни онгли равишда танлаш ва эгаллашлари учун ҳуқуқий меъёрларни, ташкилий, руҳий-педагогик шарт-шароитларни таъминлашга кўмаклашади. Йигит-қизларимизни жамият, давлат, оила олдида ўз маъсулиятини чуқур англаб етувчи шахслар этиб тарбиялашга замин бўлиб хизмат қилади.

Биз янги асрга қадам қўйдик. Бу асрда меҳнат қилиб ўзининг устида тинимсиз ишлайдиган, узлуксиз таълим оладиган, доимий равишда ўз билим эҳтиёжларини қондириб, олган билиминини оиласи, халқи ва давлати

ривожланишига сарф қила оладиган шахсина муносиб ўрин эгаллаши мумкин. Худди мана шунинг учун миллий моделимизда узлуксиз таълимга катта аҳамият берилган.

**Узлуксиз таълим** – миллий моделимизнинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Унга кўра, мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари, турли даражадаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади. Мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб ҳунар таълими; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълимни узлуксиз таълим ўз ичига олади.

### **САЛОМЛАШИШ ОДОБИ**

Талаба бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Талабалар таълим – тарбия олиши учун яратилган имкониятлардан самарали фойдаланишга ўрганмоғи, ўз одоби, хулқ-атвори билан бошқа ёшларга ибрат бўлмоғи лозим. Миллий анъаналаримизга кўра, инсоннинг комиллиги, аввало унинг ахлоқий етуклигига, аждодлар меросини чуқур ўрганиб, уни бойитиш йўлида қилган хизматларида, қолаверса, **катта-кичikka эҳтиром кўрсатиш** борасидаги ҳаракатларида кўзга кўринади. Ахлоқийлик, одоблилик, каттани ҳурмат, кичикни иззат қилиш эса авваламбор, саломлашиш маданиятидан бошланади. Бизда, ўзбекларда эса саломлашиш самимий кўришишни ва илиқ илтифотни англатади. Бу илтифот аввало **“Ассалому алайкум”** иборасини ифодалайди. “Ассалом”нинг маъносида кишининг саломатлиги ва тинчлиги учун зарур бўлган шароит ва кайфияти тушунилади.

Шунинг учун ҳар қандай танишув ва учрашувда аввало **“Ассалому алайкум”**, яъни, **“Сизга омонлик ва тинчлик тилайман”** ибораси ишлатилади. Бунда **“алик”** олувчи киши албатта юксак эҳтиром билан **“Ваалайкум ассалом”**, яъни, **“Сизга ҳам омонлик ва тинчлик тилайман”**, дея ширин лутф ила жавоб бермоғи шар.

Араб тилида **“тинчлик”** маъносини англатадиган **“салом”** - сўзи муқаддас бўлиб, Қуръони Каримда 40 марта учрайди. **“Ас-салом”** Аллоҳ таоллонинг исмларидан биридир. Рассулulloҳ салаллоҳу алайҳи ва салламдан бир киши сўради: **“Исломда энг яхши хислатлар қайсидир?”**

дедилар: **“Очларга таом бермоқлик, таниган ва танимаганга салом бермоқлик,”** Дарҳақиқат, набий саллаллоҳу алайҳи васаллам саломни оммалаштирмоққа даъват қилганлар, чунки, саломлашганда бир-биримиз учун энг мақбул дуо қиламиз. Саломлашганда кишилар ўрасида ўзаро ҳурмат, самимият ва бир-бирига нисбатан меҳр-муҳаббат пайдо бўлади. Аммо, ҳар доим ҳам бу гўзал одатга амал қиламизми?! Ваҳоланки, “Таниган-танимаганга” салом бермоқ лозим. Кўпинча нотаниш одамларга салом берсак, улар ҳайрон бўлишади, “мени кимгадир ўхшатди шекилли”, - деб ўйлашади. Демак, улар “танимаганларга ҳам салом бермоқлик” ҳақидаги ҳадисдан огоҳ эмас.

Шарқда азал-азалдан саломлашиш қоидалари мавжуд бўлиб, бошни эгмасдан қўлларини кўкракка қўйиб салом бериш тавсия қилинади. Кўп кишига учрашиб қолган киши уларнинг ҳар бир-бирига алоҳида-алоҳида салом бериши шарт эмас, балки ҳаммасига битта салом кифоя қилади. Камситиб, таҳқир қилгандай бўлиб, илжайиб салом бериш одобдан эмас. Салом бериш самимий бўлса, алик олган киши бошини қимирлатибгина қўймасдан салом жавобини ҳурмат билан тўла-тўқис эшиттириб айтса, саломлашиш мукамал бўлади. Агар инсон бирор танишини узоқдан кўриб қолиб, унинг ёнига боролмаса, ўша ердан туриб қўлни кўксига қўйиб салом ишорасини бериши мумкин. Саломлашган чоғда қўл учинигина бериб саломлашиш одобдан саналмайди. Бундай қилиш салом берган кишини камситиш, уни кўзга илмаслик бўлади.

Бир донишманддан сўрабдилар: “Кўчада ёши ва жамиятда тутган ўрни бир хил икки киши учрашибди. Уларнинг қайси бири биринчи бўлиб салом беради?”- “Яхши тарбия олгани”, - дебди донишманд. Шунга ўхшаб, ёшларнинг таълим-тарбиясида уларнинг саломлашишига қараб ҳам баҳо берса бўлади. Шарқнинг кўпгина мамлакатларида эса аёллар билан эркаклар муносабатларида, айниқса уларнинг ўзаро кўришиши ва саломлашиши жараёнида шарм-ҳаё ва аёлга ҳурмат биринчи ўринда туради. Шу боис ўзбек таомилига кўра **ёшлар** ўзидан **катталарга**, ўқувчи, **талаба**, шогирд **устозга**, эркаклар эса аёлларга, юриб кетаётган киши ўтирган кишига биринчи бўлиб **салом берадилар**.

Саломлашиш юксак маданийлик ва чин одамийликнинг кўзгусидир. У халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган ва уларнинг одатига айланиб қолган.

Кўпчилик ўтиришган меҳмонхонага кейинроқ кириб қолган киши уларга “Ассалому алайкум!” деб мурожаат қилади ва “кўрганимиз - кўришганимиз” дея узр сўрайди. Баъзи кишилар оддийгина саломлашишдан кўра ўпишиб кўришиш ҳар иккала томоннинг бир-бирига яқин дўстлигини ифодалайди, дейишади. Ўпишиб кўришиш моҳияти ва кўриниши жиҳатидан самимий саломлашишни асло акс эттирмайди. Бу одат шахсий саломатлик гигиенасига ҳам тўғри келмайди. Чунки, у турли юқумли касалликлар манбаи бўлиб қолиши ҳам мумкин. Бу одат ибосиз, бачкана ҳатти-ҳаракат бўлиб, бизнинг шарқона, соғлом турмуш тарзимизга мос келмайди.

Қиссадан ҳисса шуки, **салом-алик қилиш ҳаёт мезони, одамийликнинг алифбосидир**. Унинг асоси – самимийлик, ибо ва тарбиядир. Бас, шундай экан, саломлашиш санъатини кўз қорачиғидек сақлаш, унинг ҳамма қоидаларга риоя қилиш – ёшлар учун ҳаётини заруратдир.

### **СОҒЛОМ АВЛОД ҒОЯСИ**

Жамият тараққиётида турфа тоифа кишиларнинг муштарак мақсад-муддаолари ифодаси бўлган ғоялар муҳим ахамият касб этади. Шу боис миллий мафкура халқнинг умумий манфаатлари асосида шаклланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган **соғлом авлод ғояси** халқимизнинг асрий мақсад-муддаоларини акс эттиради.

Бу ғоя, аввало, фарзандларимизни ҳам **жисмоний, ҳам маънавий** камолига хизмат қиладиган таълим-тарбия тизимини шакллантириш борасида бизни улкан ишларни амалга оширишга даъват этмоқда.

Иккинчидан, **соғлом авлод** ва бозор иқтисодиёти ёшларимизда тадбиркорликни, ижодкорликни ва бунёдкорлик фазилатларини камол топтиради.

Учинчидан, бу ғоя бизни **ватанпарварлик** тамойиллари асосида яшашга ундаб туради. Шунда ҳар бир фуқаронинг кўз ўнгида мудом юрт ва миллат шаъни гавдаланиб туради, жамиятда тенглик ва поклик қарор топади.

Тўртинчидан, **соғлом авлод ғояси** кишиларни **огоҳликка** ундайди. Бу эса юртимиз шаънига доғ тушурувчи, миллат манфаатларига қарши борувчи, уларни атайлаб оёқости қилувчи кимсаларга мурасасиз бўлишини тақозо этади.

Бешинчидан, **соғлом авлод ғояси** ижтимоий адолат ва ҳуқуқий маданият тамойилларига таянади. Маълумки, республикамизда ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишини ташкил этади.

## **МАДАНИЯТЛИЛИК**

Маданиятли бўлиш, ширинсуханлик инсон хуснининг шартларидандир. Буларсиз инсонда на гўзаллик бору ва на абадийлик. Дарҳақиқат, ҳар бир одам хулқ-атвори, ҳатти-ҳаракати, юриш-туриши, ўзини тутиши, демакки, маданий савияси жиҳатидан эл орасида ё яхши, ё ёмон ном қолдиради. Ҳурмат билан тилга олинишига ҳам, нафрат билан юз ўгирилишига ҳам одамнинг ўзи сабабчи. Одам боласи эса дунёга фазилати, адолати, маданияти билан бошқаларга ибрат бўлиш, уларни яхши йўлдан эргаштириб бориш учун келади.

Яхши фазилат шундай улуғ нарсаки, уни одам ҳаётининг маънавий хазинаси деса бўлади. Бу хазинада инсон хуснининг дурдоналари сақланади. Бу дурдоналарни ҳар бир одам ўзи битта-биттадан териб, ҳусн хазинасига келтириб тўқади. “Инсон” деганда биз шу маънавий бойлик хазинасининг ажойиб соҳибкорларини тушунамиз.

**“Маданият”** бозорда сотилмайди, шунингдек етуклик шаҳодатномасига ёки дипломига “Бу киши маданиятли” деб ҳам ёзилмайди. Бу юксак ҳуқуқни одамга унинг ҳаётда тутган ўрни, меҳнати, хулқ-атвори беради.

Ҳаётнинг ичига кирган киши, эл ичида бўлиб, эл билан юрган киши халқимизнинг ажойиб маданиятини кўрмай, бу инсоний маданият неча асрлардан бери авлоддан авлодга ўтиб келаётганини пайқамай иложи йўқ. Инсон илми ё ижтимоий мавкеидан, ёши, ё касб-коридан қатъий назар, ҳар кун, балки ҳар соат одамлар билан муомалада бўлади. Одамлар жамоасидан айри яшаш мумкин бўлмаганидек, хизмат бурчи ё турмуш эҳтиёжи билан ҳам одамларга рўпара келмасликнинг иложи йўқ. Бу эса, одам иши одам билан битади, деган сўз, лекин бу иш ширин битадими ё аччиқ – буниси муомала эгасининг хулқ-атвориغا, қўпол ё мулойим муомаласига боғлиқ. Нимага десангиз, ширин муомала билан битмайдиган иш ҳам битади, қўпол муомала билан эса битадиган иш ҳам битмай қолиши мумкин. Лекин бу

гапимиздан: “Фақат ишни битириб олиш учунгина хушмуомалада бўлиш керак экан-да”, деган хулоса чиқмаслиги керак албатта. Рост-да, инсонни чинакам инсон қиладиган нарса унинг яхши фазилатлари бўлса, хушмуомалалик шу яхши фазилатларнинг энг муҳим шартларидан биридир. Бундоқ ўйлаб қаранг-а, одамнинг яхши ё ёмонлиги, ахлоқи ё ахлоқсизлиги, маданиятли ё маданиятсизлиги, шафқатли ё шафқатсизлиги, соддалиги ё кибру ҳаволилиги юриш-туришидан ҳам олдин муомаласидан билинади. Шунинг учун ўз қадр-қимматини билган одам энг аввал муомала одобини ғамини ейди.

Инсониятнинг муомала қуроли тил бўлиб одамлар бир-бирлари билан бўладиган барча муомала ва мулоқотларини сўзлашиш ёрдамида амалга оширади. Одамнинг шарафи ва ифтихори унинг маданиятли сўзлашишидир.

Азизларим, тилга эҳтиёт бўлинглар! Киши дилини оғритадиган, кўнглини қолдирадиган, иззат-нафсига тегадиган, ор-номуси, шаънини оёқ ости қиладиган сўзни ҳеч сўзламанглар. Ҳамма вақт ширинсўз бўлинглар, тилларингиздан доимо яхши сўз чиқсин. Чунки, тилдан етган озор найза озоридан ёмондир.

Маълумки, юқорида ишора қилиб ўтганимиздек, одам боласи дунёда якка-ёлғиз яшамайди, яшай олмайди ҳам. Бу одамзод пайдо бўлганидан бери давом этиб, кун сайин кучайиб бораётган бир ҳақиқат. Инсон онадан туғилгандан бошлаб бутун умрини, бутун ҳаёт фаолиятини жамият ичида, одамлар орасида ўтказади. У хоҳ уйида бўлсин, хоҳ иш жойида бўлсин одамларга тўқнашмай иложи йўқ. Шунинг учун у ўзини жамиятга мос тутишга, яъни, теварагидаги одамларни ҳурмат қилишга, ўзи ҳам улардан ҳурмат кўришга интилиши керак.

## **КИЙИНИШ ОДОБИ**

Халқимиз азал-азалдан яхши хулқли кишиларни, ибони аёлларни ҳурмат қилиб, уларни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатган. **“Гул ўсса еринг кўрки, қиз ўсса элнинг кўрки”**, деган ҳикматни мантиқан олиб қарайдиган бўлсак, унда қизларнинг гулга, нафосатга қиёсланиши ва миллатнинг келажаги кўп жиҳатдан уларга боғлиқлигини тасдиқловчи ҳақиқат яширинганлигини кўрамыз. Миллат тақдири, баркамол авлодни тарбиялаш эса аёлларга дахлдор бўлгани боис улар ҳамиша эъзода. Мухтарам

юртбошимиз **“аёлларимизни қанчалик улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъозлаган бўламиз”**,- деб уларга юксак баҳо берганлар.

Демак, Ватан, Она Юрт, жамият, қолаверса, табиатни ўзи аёлнинг нозик елкасига ўта маъсулиятли вазифани юклаган экан. Ҳар бир қиз доимо “ана шу муқаддас вазифани адо этишга тайёрманми?”, - деган саволни ўзига бериб, турмуш тарзи, қўяётган ҳар қадами, меҳнати, ўқиши шу вазифани бажаришга мувофиқми ёки йўқлигини ҳис этиши лозим.

Гўзал ва чиройли бўлиш - ҳар бир аёлнинг орзуси. Ўзбек қизини ҳаё, ибодат сингари фазилятларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Абдулла Авлоний ҳаёга шундай таъриф беради: **“Ҳаё деб ишда, сўзда адабга риоя қилмакни айтилар, ҳаё дилни равшан қиладурган бир нурдирки, инсон ҳар вақт шу маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир. Ифбатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир”**. Демак, ҳар бир қиз ҳаёси, ибодати, андишалиги билан гўзал. Бу хислатлар уйғунлашиб унинг қиёфасига кўркамлик, олижаноблик ва юксаклик бағишлайди. Гўзал хулқ ва яхши одоб эгалари эл-юрт ичида ҳамиша иззат ва обрў топган. Шу боис биз ёшларимиз, хусусан, қизларимизнинг гўзал ҳулқ соҳиблари бўлишларини чин дилдан истаймиз.

Бугунги кунда барчани баробар ташвишга солаётган масала – бу ёшларимизнинг кийиниш маданиятидир. Либос одамнинг қай юрт фарзанди эканлигини уни кийган одамнинг ички дунёси ақлу-фаросати, диди, диёнати қай даражада эканидан дарак беради. Яхшилаб разм соладиган бўлсак, дунё халқлари энг катта минбарларда, қаддини жаҳон кўрадиган жойларда, ўзининг муборак кунларида миллий тили, миллий кийимлари ва миллий маданий меросларини намойиш этиб ўртага тушади. Бу уларнинг **“менинг наслу-насабим бор, зотим, тарихим тайин”**, деганидир. Ҳар бир халқнинг ўзига хос диди, орзу-истаклари ва кўникмалари бор. Мана шу ўзига хосликни биз миллийлик деймиз.

Ҳозирги даврда қизлар, аёллар орасида европача кийинишнинг кенг урф бўлиб бораётгани, миллийликдан тобора узоқлашиб бораётган қизларимизнинг мини юбкалар, тўрт томони чок, ниҳоятда тор кўйлақлар, тор шимлар кияётгани хусусида бош қотиришга тўғри келади. Гап бу кийимларнинг кишининг ғашига тегиши ҳақидагина эмас, балки, уларнинг қизлар саломатлигига салбий таъсири ҳақида ҳам бормоқда. Миллий

кўйлақлар эса гўёки муборак парда, улар қадду-қоматларни ёмон кўздан асраб туради. Ўз қаддини билган миллийликка амал қиладиган қизларимизнинг энг катта ютуғи ўз малоҳатларини яширин тутишларидадир!

Халқимизда чиройли бир нақл бор: **“Либос аро бўлгунча мажлис аро бўл”**. Баъзи қизларимиз либосига, кийим-бошига оро беради-ю, бироқ юриш-туриш, сўзлашиш, муомала одобига риоя қилишмайди. Бундайлар ширинсўз, хушмуомала, маънан гўзал бўлишга шошилсинлар. Акс холда, халқ ичида беобрў бўлиб қолишлари мумкин.

Яхши кийиниш ўзига хос санъат. Киши бу санъатни эгаллаши учун мода талабларига риоя қилибгина қолмай, ўз эстетик дидини ҳам узлуксиз тарбиялаши керак. Чунки, киши чиройли кийинган бўлиши мумкин, лекин у юриш-туришда ўзини тута олмаса, адл юра олмаса, кийимнинг гўзаллиги ва орасталиги кўзга кўринмайди. Ташқи қиёфага эътибор бериш ички маънавий гўзалликнинг ифодаси ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, қизларимиз чиройли, ораста кийинса ибодат каби фазилатларни юксак билиш баробарида ўзининг мустақил фикрига эга бўлса, ҳар бир қадамини пухта ўйлаб қўйса, ён-атрофида кимлар ва қандай фикрли инсонлар борлигини яхши англаса, ҳеч қачон ўз йўлидан адашмайди. Асримиз ваболари бўлмиш наркомания, ахлоқий бузуқлик каби иллатлар ҳеч қачон уларга яқинлашмайди. Ёт ғоялар уларга ҳеч қандай таъсир ўткази олмайди. Бизнинг асосий мақсадимиз ана шундай покиза, оқила ва зукко, огоҳ ва ҳушёр талаба-қизларни сафимизда кўриш ва тарбиялашдир.

## **ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ**

Биз нотинч ва таҳликали даврда яшаётганимизни унутманг! Инсоният XXI асрга ўзининг энг яхши ниятлари билан қадам қўйган бир пайтда, халқаро терроризм ва диний экстремизм мамлакат ва халқлар ҳаётида хавф солмоқда, уларнинг доимо қўрқув остида яшашини хоҳламоқда. Бугунги кунда дунёда бирорта давлат йўқки, у терроризм ва экстремизм хавфи остида яшаётган бўлса. Терроризм дунё миқёсидаги вабога айланмоқда. Терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши кураш ва унинг содир этилишига йўл қўймаслик фақатгина аксилтеррорчилик ташкилотларининг бурчи бўлмай балки, ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Терроризмга қарши кураш пухта ўйланиб, мавжуд халқаро қонунлар ва бошқалар, норматив ҳужжатлар асосида олиб борилмоғи керак.

2004 йилнинг 29-30 март ва 1 апрель кунлари Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятининг Ромитон туманида ва 2005 йилнинг 13 май куни Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатларнинг асл мақсади - Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш эди. Одамларимизнинг юрагига ваҳима ва қўрқув солиш, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиш эвазига юртимизда, минтақамизда террорчилар ўз манфаати, ўз сиёсатини ўтказиш мақсадида шундай қабихлик қилганлар. Ҳар томонлама пухта тайёрланган бу жиноий ҳаракатларнинг илдизи мамлакатимиз ташқарисида жойлашган халқаро террорчилик ва экстремизм марказларига бориб бевосита тақалишини, уларнинг уюшган ташкилот ёки гуруҳлар томонидан амалга оширилганини айтиб ўтиш жоиздир. Шу ўринда шундай савол туғилади: Бундай ҳаракатлар қайтарилмаслиги учун нималар қилиш, ёшларни қандай тарбиялаш керак?

Авваламбор, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, ҳар бир талаба бир тану бир жон бўлиб, терроризм ва экстремизм хавфига қарши қатъият билан кураш олиб бориши зарур. Шунингдек, мустақил тараққиётни кўра олмайдиган айрим кучларнинг информацион хуружлари, “демократия экспорти” ҳақидаги қутқуларидан огоҳ бўлинг!

**Азиз талабалар! Биз шунга аминмизки, сўнгги йилларда дунёдаги барча тинчликпарварлар кўнгилларни ташвишга солаётган терроризм, диний экстремизм балоси ҳам таг-томири билан йўқолиб кетишга маҳкум. Чунки шу пайтгача яхшиликка муҳолиф куч ҳеч қачон музаффар бўлмаган.**

### **КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ**

**Талабалар!** Мана, қўлингиздаги ушбу эслатма **“Талабанинг йўлдоши”** деб аталади. Ўйлаймизки, ушбу қўлланма талабалик йилларингизда Сизнинг энг яқин йўлдошингиз, яқин маслаҳатгўйингиз бўлади.

**Мустақил Ўзбекистоннинг азиз фарзандлари!** Президентимиз **“Ўзбекистон келажаги буюк давлат”** деганларида, сиздек юксак дидли,

билимли, қобилиятли, салоҳиятли, фозил фарзандларимизни назарда тутганликларини унутманг. **“Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак”** лигини **дилингизга жо этинг**, Сизлардан аждодлар руҳи шод бўлсин, ота-боболарингиз, халқингиз, миллатингиз ва келажак авлод мамнун бўлсин. Баркамол, чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган инсон бўлиб улғайинг. Бунинг учун:

- Мустақил Ватан тақдирини ўз тақдирингиз билан чамбарчас боғланг, бутун фаолиятингизни она диёрга ва унинг буюк келажагига бахшида этинг.
- Ватанимиз мустақиллиги, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида барпо этилган давлат тузумини, демократия ва қонунчиликни мустаҳкамланг.
- Халқимиз ва мамлакатимизнинг буюк келажаги озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаёти, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши Сизга ва Сизнинг келгусидаги фаолиятингизга боғлиқлигини зинҳор унутманг.
- Сиз келгусида жамиятимизнинг барқарорлигини, осойишталигини ва миллатлар ўртасидаги тотувликни, давлатимиз хавфсизлигини, тинчлигини, чегараларимиз дахлсизлигини сақлаб қолишга қодир бўлган Ўзбекистоннинг муносиб фуқароси бўлиб етишишга интилинг.
- Сиз ҳозир ҳам, келажақда ҳам Ватан менга нима берди, деб эмас, балки, мен Ватанга нима бердим, эл-юрт тараққиёти ва истиқболи учун нима қилмоқдаман, мустақилликни мустаҳкамлаш ишига қандай ҳисса қўшмоқдаман, деган ўғитга доимо амал қилинг.
- Ўзингизда демократик дунёқарашни шакллантириб боринг, уларга тўла амал қилишга ўрганинг, зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, демократия ҳар бир фуқаронинг ҳаёт эҳтиёжига айланган тақдирдагина демократия ҳисобланади.
- Демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячиси бўлиб етишинг.
- Халқимиз тарихини ўрганинг ва аждодларимиз қолдирган меросга амал қилинг, улар билан фахрланинг.
- Аждодлар, ота-боболар эътиқод қилган динимиз, маънавий қадриятларимизни ҳурмат қилинг. Одамлар руҳиятини, уларнинг қувонч ва ташвишлари, мақсад ва интилишларини англашга, аҳил, покиза, меҳр-

мурувватли, оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, адолат ва инсоф билан яшашга интилинг.

- Сиз муқаддас динимиздан ғаразли сиёсий мақсадлар йўлида фойдаланишга интилувчи шахслар ва кучларга қарши аёвсиз кураш олиб боринг.

- Фуқаролик жамиятининг энг муҳим таркибий қисмлари бўлган – маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат келгуси фаолиятингизнинг асосини ташкил этсин.

- Ёшлик - доноликни ўрганадиган давр. Ҳозирги замон билимларини чуқур эгалланг. Соҳибқирон Амир Темурнинг “билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни”, деган ўғитига амал қилинг.

- Умрни бугун-эрта деб орқага сурманг. Вақтдан оқилона фойдаланинг. Ўз устингизда тинмай ишланг. Билингки, халқингиз, ота-онангиз сиздан етук инсон, жамиятнинг фаол фуқароси бўлиб етишиб чиқишингизни кутмоқда.

- Тил бойлиги - тафаккур бойлигидир. Давлат тилини мукамал эгалланг, уни ҳурмат қилинг. Хорижий тилларни ўрганинг ва пухта билинг.

- Кексалар, ўқитувчилар, устозлар, мураббийларни эъзозланг ва улуғланг, уларнинг ўғитларига доимо амал қилинг.

- Оила - жамиятнинг дуру гавҳари, унинг фаровонлиги - миллат кўзгуси эканлигини дилга жо этинг. Ота-оналар олдидаги фарзандлик бурчингизни тўла адо этинг.

- Юртимизнинг наботот ва ҳайвонот оламини, сув манбалари ва атроф муҳитини муҳофаза қилинг.

- Яхши дўст орттиришга интилинг, ўртоқларингизни ҳурмат қилинг, улар билан дўстона муносабатда бўлинг. Ҳақиқий дўст туганмас бойлик эканлигини унутманг.

- Одамларни севинг, улардан меҳр-мурувватингизни дариф тутманг, уларни қайси миллатга, ирққа, динга мансуб бўлишларидан қатъий назар ҳурмат қилинг.

- Аввало, гўзал ахлоқни, кейин донишмандликни ўрганинг одамга ярашадиган, унинг хуснига-ҳусн қўшадиган либос - бу одоб-ахлоқ либоси эканлигини доимо ёдда тутинг.

- Оқил ва донолар билан суҳбатдош бўлинг, илмингиз ҳар қанча кўп бўлса ҳам, уни янада бойитишга интилинг.

- Билингки, кўп нарсани билиб кам сўзлаган, ўз билимига мағрур бўлиб, билимдонлик қилмаган одам - энг ақлли ва ҳурматга сазовор одам ҳисобланади.

- Ёшлик чоғига унга хос бўлган **жасорат, келажакка ишонч, бунёдкорлик, билимга чанқоқлик, софдиллик, самимиятлилик** каби олижаноб хислатларни ўзингизда мужассамлаштиринг, токи улар камолотга интилган йўлингизда сизга ҳамроҳ бўлсин!

## **“БУГУНГИ КУН ЁШ МУТАХАССИСИНИНГ КОДЕКСИ”**

***Ушбу Кодекс Тошкент ахборот технологиялари университети  
Маънавият ва маърифат кенгашининг 2008 йил 22 мартдаги  
йиғилишида тасдиқланган***

### **1. Иқтисодиёт тафаккури ила ўйлашга ҳаракат қил.**

Техникавий тараққиёт ўз мақсад йўлидан нарига ўтмайдиган омил бўлмай, балким инсонлар турмуш фаровонлигини оширувчи омилдир.

Иқтисодий кўрсаткичлар – техника ижтимоий ва иқтисодий таъсирининг кўзгусидир.

Иқтисодиёт нуқтаи назаридан ўйламасдан қабул қилинган ҳар бир қарор мустақиллик шароитида корхоналар учун хавfli бўлган бир ҳолатдир.

### **2. Меҳнат ва маҳсулот сифатини ошириш.**

Амалий нуқтаи назардан олиб қараганимизда, қўл остимизда энг яхши меҳнат қуроллари ва материаллар бўлмаган ҳолатда ҳам, ҳозиргидан ҳам яхшироқ ишлаш мумкин.

Энг муҳими хоҳишдир.

### **3. Сифатга бўлган халқаро талабларни ўрган.**

Давлат стандартлари ва техник шароитларидан ҳам узоқроқни кўра бил, чунки улар қисман эскирган, қисман маъносиз парчалангандир.

Бу эса келажак олдимишга қўяётган талабларни бажариш омилидир.

### **3. Меҳнат маданиятини ошир.**

Сифат, иш унумдорлиги, тартиб – айнан меҳнат маданияtidан бошланади.

Касбдошларинг ва қўл остингдагилардан меҳнат маданиятига риоя қилишни талаб қил.

Агар бу сенинг масъулиятингда бўлса, меҳнат маданиятига бўлган ғамхўрлигингни ошир. Талабчан бўл.

### **5. Хом-ашё ва энергияни тежа.**

Тежамкорлик техник лойиҳалаштириш иншоот ва технологик жараёнларни лойиҳалаштиришдан бошланади. Унга ишлаб чиқаришда бевосита ишлатиш йўли билан ҳам эришиш мумкин.

### **6. Ўз корхонанг келажаги ҳақида ўйла.**

Ҳаёт биздан технологик жараёнларни вужудга келтиришни талаб қилапти, шунинг билан биргаликда қатъий равишда технологияни янгилаш, юксак даражадаги техникани қўллаш талабини қўймоқда.

Корхонанг ишлаб чиқараётган маҳсулот маҳаллий муҳтожлик талабларига жавоб бера оладими, шунинг билан бирга ҳалқаро товар алманишувчи ва четга товар чиқаришнинг келажагидан келиб чиққан ҳолда – Сенинг маҳсулотинг уларга керакми?

Корхонангни бошқа бирон соҳага мослаштириш тўғрисидаги мақсадга мувофиқ таклифларни ва имкониятларни рад қилма.

### **7. Илм ва фан билан боғланиш йўлини изла.**

Тараққиётимизнинг заиф томонларидан бири шуки, у ҳам бўлса илм ва фан ютуқларини амалиётга қўллашнинг оғир ва машаққатли йўлидир.

Агар сен янги технология ва техника ускуналарини ишлаб чиқариш устида ишлаётган бўлсанг, сенинг талабингга жавоб бера олувчи илмий муассасалар ва олимлар билан, ўзингни улардан устун қўймай туриб улар билан боғланиш йўлини изла.

Турмуш билан боғлаб бўла олмайдиган, бир қарашда хаёлий бўлган таклифларни тушунишга ҳаракат қил, шунинг билан биргаликда уларни амалиёт билан боғлаш йўлини қидир.

### **8. Истеъмолчига нисбатан хайрихоҳ бўл.**

Бозор иқтисодиёти шароитида қандай маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулотнинг таркибини ва хизмат қилиш жараёнини ишлаб чиқарувчи эмас, аксинча истеъмолчи ҳал қилади.

Истеъмолчининг таклиф ва эътирозларига эътибор бериб тингла, гарчи у сенинг харидоринг, савдо ишларингда ўртада турувчи ёки мижозинг бўлган тақдирда ҳам. Истеъмолчига бу билан сен на фақат унга балким ўзингга, ўз корхонангга ҳам хизмат кўрсатган бўласан. Чунки ҳар бир ишлаб чиқарувчи бир вақтнинг ўзида бирон бир ишлаб чиқаришнинг маҳсулот ва хизматини истеъмолчиси бўла олишини унутма

### **9. Ижтимоий муҳит шароити билан мослашишга ҳаракат қил.**

Ишлаб чиқаришни такомиллаштира туриб, бир вақтнинг ўзида инсонлар турмуш даражасини оширишга ва ижтимоий муҳитни яхшилашга ҳаракат қил.

### **10. Табиатни асра.**

Кучли ва иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган ишлаб чиқаришлар - фаровонлик эмас, аксинча агар у атроф муҳитни, ҳаво, сув ва ерни ифлослантурса, табиатни зарарласа, одамларни шовқин-сурон билан безовта қилса бу – фалокатдир.

Сен бу масалаларни ечишга ишлаб чиқариш ва лойиҳалаштириш жараёнини бошлаш арафасидаёқ ҳаракат қил.

### **11. Иш фаолиятини олиб боришнинг янги турларини изла.**

Тўсатдан қилинадиган ва оригинал таклифларни рад этма. Сенинг ишбилармонлигинг ўз ватанимиз технологияси яратилишининг меваси бўла олиши мумкин.

### **12. Хорижий алоқалар йўлини изла ва уларни ривожлантир.**

Республика мустақиллиги дунё иқтисодиётига олиб борувчи йўллардаги қийинчиликларни енгиб ўтишни талаб қилади.

Сен ҳеч қачон илғор ҳамкорлик ҳақидаги ахборотларни рад этма, гарчи у сенинг тасарруфингда бўлмасада, аксинча сен у ахборот билан ўз ўртоқларингни таништир.

### **13. Янги ахборотлардан фойдаланиш ва улардан бохабар бўлиш йўлини қидир.**

Республиканинг янги техника ва технологияси фақатгина дунёвий технологик нуқтаи назардан ва кўп сонли ахборот нашрларга таянган ҳолда йўлга қўйилиши мумкин.

Ахборотга эга бўлиш йўлида ҳеч қандай маблағ ва кучингни аяма, чунки валюта сарф қилиш бу келажакда инвестицияга эга бўлиш демакдир.

### **14. Чет тилларини ўрган.**

Келажакда сенинг зимманга чет тиллардаги адабиётлар ва ҳужжатларни ўқиш бугунгидан ҳам кўпроқ юклатилади, шунинг билан биргаликда нафақат хорижий мутахассислар билан импорт қурилмаларни такомиллаштириш жараёнида, балким чет элда ҳам малакангни оширишга тўғри келади.

### **15. Ўз билим маҳоратингни оширишни ўрган.**

Нафақат маҳсулотлар эскиради, балким конструкторлар ва ишлаб чиқарув мутахассисларининг билимлари ҳам эскиради. Билим олишдан эринма, аксинча, янги тажрибаларни ўрганиш ва билим олиш йўлида ҳар бир имкониятдан фойдалан, яъни курсларда ўқи, илғор ишлаб чиқаришларда ўз малакангни ошир, агар имкони бўлса хорижий юртларда ҳам.

### **16. Ёш мутахассислик номингни асра.**

Ўз аҳдинга содиқ бўл, ҳалоллик ва ҳақгўйликни қадрла. Ўз номингни, касбдошинг ва мутахассислик номингни ҳимоя қил. Касбдошингни асосиз танқид қилма. Фақат яхши ишларда қатнаш, мутахассис номига, иқтисодимизга ва турмуш шароитимизга ёмонлик келтирувчи омиллардан ўзингни четга торта ол.

### **17. Рақобатбардош бўл.**

Талабалик йилларида олишинг керак бўлган билимларни менсимасликдан чекин, илминг, шижоатинг, ихтирочилигинг, Ватанга содиқлигинг билан хориж мутахассислари олдида рақобатчи эканлигингни унутма.

### **18. Ўз иқтидорингни намоён этишни ўрган.**

“Келажак овози” танлови доирасида билиминг, тажрибанг, касбинг, эришган ютуқларингни, истеъдодингни намоён эт.

### **19. Меҳрибонлик туйғуйинг доимий бўлсин.**

Меҳр-оқибатли бўлиш, ногиронларга ёрдам хис–туйғуси билан яшаш, ширин сўз ва одамохун бўлиш келажаги буюк Ўзбекистоннинг гуллаб яшнашига қўшган хиссанг бўлади.

### **20. Соғлом турмуш тарзини амалга ошир.**

Аввало ўз соғлигингни сақла, бу эса ўз навбатида соғлом оила ва соғлом жамиятни бунёд этилишига олиб келади.

ПАПУ ПАЛАБАЛАР МАФХИЯСИ

*Нормурод Нарзуллаев*

*МАФТУНҚОР ОЛАМ*

*Тонгдай балқди юртда истиқлол,*

*Озод ўлкам олтин ошиён.*

*Бизникидир нурли Истиқлол,*

*Эркин ҳаёт, бахтли ҳур замон.*

*Ватан меҳри дилимизда,*

*Эл ишончи қудратимиз.*

*Қут барака элимизда,*

*Меҳнатдадир шуҳратимиз.*

*Еру-кўкка биз қўйдик қадам,*

*Ҳавас қилар бизга коинот.*

*Манзилимиз қуёшли макон,*

*Дилимиз шод, элимиз обод.*

*Устозлардан оламиз сабоқ,*

*Келажак деб ташлаймиз қадам.*

*Эл-юрт ишқи ҳеч сўнмас маёқ,*

*Ўзбекистон мафтункор олам.*

**ОЗОД МАМЛАКАТНИНГ ОЗОД ФАРЗАНДИ!**

**БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ!**

## МУНДАРИЖА

Сўз боши	2
Талабанинг луғати	4
Талабаларнинг ҳуқуқ ва бурчлари	12
Таълим олиш тартиби	13
Тошкент ахборот технологиялари университети хақида қисқача маълумот	17
Университетнинг қисқача тарихи	29
<i>ТАТУ талабаларнинг асосий мажбуриятлари</i>	30
<i>ТАТУ талабалар турар жойларида истиқомат қилувчи талабалар амал қиладиган ички-тартиб-қоидалар</i>	32
<i>Маънавият сабоқлари. Бўш вақтни ўтказиш ва дам олиш</i>	35
Талабанинг ўқув-лаборатория биноларида ўзини тутиши	36
Ободончилик –ҳаммамизнинг ишимиз	36
Университет ички тартиб-қоидаларини мустаҳкамлаш тўғрисида	37
Орзуимиз - баркамол авлод	37
Саломлашиш одоби	39
Соғлом авлод ғояси	41
Маданиятлилик	42
Кийиниш одоби	43
Огоҳликка даъват	45
Келажаги буюк давлат қуришнинг муҳим шарти	46
“Бугунги кун ёш мутахассисининг кодекси”	49
ТАТУ талабалар мадҳияси	54